



ISSN:2181-3558

«SCIENCE AND RESEARCH»

JOURNAL

OF INTEGRATED EDUCATION
AND RESEARCH

INTEGRATSIYALASHGAN
TA'LIM VA TADQIQOT JURNALI

ЖУРНАЛ ИНТЕГРИРОВАННОГО
ОБРАЗОВАНИЯ И ИССЛЕДОВАНИЙ

**THE JOURNAL OF
INTEGRATED
EDUCATION AND
RESEARCH**

ISSN 2181-3558

VOLUME 1, ISSUE 7

COLLECTION C

DECEMBER 2022



Tahririyat a'zolari

- Berdialiev A. f.f.d., prof.*
Nurullaeva Sh.U. ped.f.d., prof.
Tursunov K.Sh. ped.f.d., prof.
Babadjanova D. tarix.f.d., prof.
Ernazarova G.O. ped.f.d., prof.
Abduraximova D.A. ped.f.d., prof.
Мадымапов Т.Т. yur.f.d., prof.
Мурзаева С.Р. fil.f.d., prof.
Yuldashev M.M. fil.f.d., prof.
Xolliyev A.E. bio.f.d., prof.
Mahmudov N.M. fil.f.d., prof.
Salayeva M.S. ped.f.d., prof.
Salaeva M.S. psi.f.n., dotsent
Tojiboyeva M.A. fil.f.d., dotsent
Sabirova N.E. fil.f.d., dotsent
Norboyeva U.T. bio.f.d., dotsent
Yarmatov R.B. ped.f.d., dotsent
Egamberdiyeva N.A. tarix.f.d., dotsent
- Achilov N.K. fil.f.d., dotsent*
Imomova G.M. fil.f.n., dotsent
Zakirova H.R. f.f.n., dotsent
Tuhtahujaev H.B. ped.f.f.d., dotsent, TFA Akademik
Bakiyev Z.A. ped.f.n., dotsent
Razzakov H.K. tex.f.n., f.f.d., dotsent
Ortikov O.A. tex.f.f.d., dotsent
Djuraeva M.Y. f.f.f.d.
Nabikhodjaev A.A. iqt.f.n., dotsent
Otadjanova M.O. f.f.d.
Tajibaeva M.A. fil.f.d., dotsent
Hasanov A.M. fil.f.f.d.
Kholmurodov A.E. fiz.m.f.d., dotsent
Aripov O.A. iqt.f.d., dotsent
Safarova U.A. fil.f.d., dotsent
Dexqonova M.Sh. f.f.d.
Hasanov A.M. fil.f.d.

Mas'ul kotib: M.Yusupov

САЙЛОВ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

*Азамат Адизов**Мустақил тадқиқотчи*azamat7707@mail.ru

Annotation. This article provides a comparative analysis of the history of elections in the world with Central Asia, that is, a comparative analysis of the formation of elections in Turkistan is given. The formation of the electoral system, the electoral process, the requirements for elections, the rights of voters are compared. They also studied the requirements for the elections in Turkistan, which were scientifically substantiated and formed in Uzbekistan before independence.

Keywords: Democracy, elections, youth censorship, gender censorship, property censorship, electoral process, Tashkent Duma, Turkestan Autonomy

Аннотация. В данной статье приводится сравнительный анализ истории выборов в мире с Центральной Азией, то есть дан сравнительный анализ формирования выборов в Туркистане. Сравняются формирование избирательной системы, избирательный процесс, требования к выборам, права избирателей. Также были изучены требования к выборам в Туркистане, которые были научно обоснованы и сформированы в Узбекистане до обретения независимости.

Ключевые слова: Демократия, выборы, возрастной ценз, гендерная ценз, имущественных ценз, избирательный процесс, Ташкентская Дума, Туркестанская автономия.

Аннотация. Ушбу мақолада дунё мамлакатлари микёсидаги сайлов тарихини Ўрта Осиё билан, яъни Туркистон ҳудудидаги сайловларнинг шаклланиши қиёсий таҳлил этилган. Бунда сайлов тизимининг шаклланиши, ўтказилиш жараёнлари, сайловга қўйилган талаблар, сайловчилар ҳуқуқлари таққосланган. Шунингдек, Туркистон ўлкасидаги ўтказилган сайловларнинг ўз навбатида қандай талабларга нисбатан жавоб берганлиги ҳамда сайлов Ўзбекистонда мустақилликка қадар шаклланганлиги ўрганилди ҳамда манбаалар асосида илмий асосланган.

Калит сузлар: Демократия, сайлов, ёш цензи, жинс цензи, мулк цензи, сайлов жараёни, Тошкент думаси, Туркистон мухторияти.

Сайловлар мамлакатда давлат ҳокимиятини фуқароларнинг хоҳиш – истакларини қонуний йўл билан шакллантириш воситаси, фуқароларнинг ўз мамлакатларини билвосита (вакиллари орқали) бошқаришда иштирок этиш усулидир. Адолатли, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини бунёд этишнинг энг самарали ва бирдан-бир тўғри йўли умумхалқ сайловлари эканлиги эндиликда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўз исботини топди дейишга барча асослар бор. Буни илгор демократик мамлакатлар тажрибасида кўрсатиб турибди.

Агар биз дунё мамлакатларининг сайлов тизими соҳасидаги тажрибаси ва ҳозирги аҳволини таҳлил қиладиган бўлсак, фуқароларнинг сайлаш

хукуқи масаласида маълум бир тафовут ва чеклаш ҳолатлари мавжудлигини ҳамда замон зайлига қараб айрим қоидаларнинг ўзгариб ва янгиланиб борганини кўраимиз.

Мисол учун, фуқароларнинг сайлаш (овоз бериш) ҳуқуқини олиб кўрайлик: 1) сайловда қатнашувчиларнинг ёши масаласи. Дунёнинг кўпчилик мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам, сайлов кунигача 18 ёшга тўлган фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эга. Аммо, баъзи мамлакатларда, масалан, Бразилия, Никарагуа, Куба ва Эронда 16 ёш, Индонезияда 17 ёш, Швейцарияда 20 ёш, Боливия, Марокаш ва Хиндистонда эса 21 ёшга тўлган шахсларгина сайловда овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Дунёнинг энг илғор мамлакатлари сирасига кирган АҚШ да ҳам сайловчиларнинг ёш чегараси кўп йиллар давомида 21 ёш бўлиб келди. Ёшларнинг талаб ва истакларини ҳисобга олишга мажбур бўлган АҚШ Конгресси 1971 йилда мамлакат конституциясига 26-қўшимчани киритиб, 18 ёшга тўлган фуқароларга сайлаш ҳуқуқини беришга қарор қилди. Шу билан бирга фуқаролар ўзларининг қайси жинси вакили бўлишидан қатъий назар, маълум ёшга етгач, сайлов ҳуқуқига эга эканлиги барча демократик мамлакатларнинг конституцияларида қайд этилган.

Бирок, кўпгина мамлакатларда аёллар эркакларга қараганда анча кейин, яқин ўтмишдагина сайлаш ҳуқуқини қўлга киритганлар. Аёлларнинг сайлаш ҳуқуқи АҚШда 1918 йилда, Францияда - 1944 йилда, Италия ва Японияда - 1945 йилда, Грецияда – 1956 йилда, Швейцарияда - 1971 йилдан бошлаб қонуний кучга кирган. Айрим мусулмон давлатларида эса, масалан (Иордания ва Мавритания) аёллар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эмаслар. Аргентина ва Бразилияда аҳолининг бошқа бир қатлами, яъни армиянинг сиёсатга аралашувига йўл кўймастик мақсадида ҳарбий хизматчилар сайловларда иштирок этмайдилар.

Ўзбекистондаги сайлов тарихи қандай? Бу масалада биз АҚШ ёки Англия сингари давлатдагидек ривожланиш даври узоққа бориб тақалмасда, бироқ сайлов тизимини шаклланиши бўйича ўз тарихимизга эгамиз. Мустамлакачилик шароитида ҳам Туркистон ўлкасида сайлов жараёнларини кузатишимиз мумкин. Туркистон шаҳарлари ичида генерал-губенаторликнинг сиёсий, маъмурий ва маданий маркази Тошкент бошқарувига мустамлака маъмурияти алоҳида эътибор берди. Шаҳар босиб олингандан (1865) кейин генерал-майор Романовский зобитлар ва амалдорлар учун унинг шарқий қисмидан жой танлади. «Рус Тошкенти»ни барпо этиш учун махсус қўмита тузилди. Қўмитанинг икки йиллик фаолияти (1866-1868) давомида маҳаллий аҳолининг юзлаб уй-жойлари бузиб ташланди, мусодара қилинган ҳудудда зобитлар ҳамда уларнинг оилалари учун турар жойлар, кўчалар ва оромгоҳлар барпо этилди. Шу тарзда кўхна Тошкент бағри иккига бўлиб ташланди. Руслар истиқомат қилувчи қисм янги шаҳар, ўзбеклар яшайдиган қисм «Эски шаҳар», деб атала бошланди. Эски шаҳар аҳолисига янги шаҳарга ўтиш қатъиян ман этилди. XIX асрнинг 70 -

йилларида Тошкент бошқарувини ўзгартириш ҳақида Туркистон маъмурияти ҳаракат бошлади. Чунки биргина шаҳар бошлиғи - ҳоким идораси ривожланиб ва кенгайиб бораётган шаҳар хўжалигини бошқаришга қодир бўлмай қолди.

1872 йилда Сирдарё вилоят бошқармасининг умумий раёсати Тошкентда «Шаҳар низомини қўллаш» масаласини кўтариб чиқди. Россия ички губерналарида 1870 йилдан қўллана бошлаган «Шаҳар низоми»ни мустамлака маъмурияти манфаатларига мос равишда ўзгартириш, қўшимчалар киритиш асосида Тошкентда жорий этилишига доир лойиҳа тайёрланди. Полковник Фридрикс бошчилигидаги махсус комиссия уни атрофлича муҳокама қилди. Тошкент шаҳрида Низомни жорий этиш масаласи бюрократик рус аппаратида узоқ сарсонликдан кейин беш йил олиб, Санкт-Петербург маҳкамаларининг «рухсати олийси» олингандан кейин ҳал бўлди. Шаҳар низомини қўллаш бўйича Вақтли комиссия тузилиб, у 1877 йилдан иш бошлади.

1877 йилда Тошкент шаҳар Думаси ташкил этилиб, Сирдарё ҳарбий губернатори бошчилигида махсус ҳайъат тузилади. Ҳайъат сайловчилар рўйхатини тузиш, шаҳар жамоатчилик бошқарувига сайлов ўтказиш бўйича иш олиб боради. Сайловда 25 ёшга тўлган, шаҳарда кўчмас мулки бўлган рус фуқаролари, савдо ва касибчилик гувоҳномалари бўйича шаҳар солиғини тулайдиган, қарзлари бўлмаган ва судланмаган шахслар иштирок этишлари мумкин бўлган. Албатта бу жараёнда олимлар тадқиқотидаги қуйидаги манбааларга ҳам эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Мулк миқдорига қараб, сайловчилар уч табақага ажратилди. 3000 рублдан ортиқ кўчмас мулкка эга бўлганлар биринчи, 1000 рублдан ортиқлари иккинчи, 500 рублдан зиёд мулк эгалари учинчи тоифага киритилди. Мустамлакачилик нуқтаи назаридан янги шаҳар қисмида мулк цензи мулк қийматининг бир фоизи сифатида белгиланди. Шаҳар зиёлилари, ишчилар ва хунармандларнинг кўзғалмас мулкка эга бўлмаганлари сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилди. Ҳар бир тоифа шаҳар бошлиғи - ҳоким тура раислигида сайлов йиғинини тузди. 2400 сайловчи иштирокида ўтган йиғинда шаҳар думаси ва бошқармаси сайланди. Шаҳарни бошқарадиган ноиблар (гласний) сонини белгилашда ҳам эски шаҳарга нисбатан адолатсизлик қилинди. Озчиликни ташкил қилган руслардан эса ноибларнинг учдан икки қисми сайланганлиги далили буни яққол кўрсатади. Тошкент шаҳар Думада овоз берувчилар сони 72 кишидан ошмаслиги керак эди. Уларнинг учдан бир қисми маҳаллий аҳоли, қолгани эса «Янги шаҳар» да истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари бўлиши шарт эди. Сайловларга тўрт йилда бир марта бўлиб ўтган ва унда асосан савдогарлар, йирик саноат корхоналари ҳамда уй эгалари иштирок этган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, янги ташкил этилган Дума сайланган маҳаллий аҳоли вакиллари ҳокимият таянчига айлантиришни мақсад қилиб қўйган эди. Илк рус революциясидан (1905-

1907) кейин Россияда илк парламент яъни Давлат Думаси ташкил этилади ҳамда унга Туркистондан ноиблар сайланиши масаласи кўтарилди.

Бироқ ўша даврада Думага сайланадиган ноибларнинг қандай ва кимлар сайланиши масаласини ҳал этиш мақсадида “махсус сайлов” идораси тузилади. XIX-XX аср бошларида Туркистонда мавжуд вазият маърифатпарварлик ва тараққийпарварлик ҳаракати - жаидчилик вакиллари ўлкадаги халқларнинг қолоқликдан олиб чиқиш йўллари ахтара бошлади. Аввало, халқни маърифатли қилиш орқали тараққиётни кўзлаган бундай илғор фикрли инсонлар одатдагидек сиёсий масалаларга ҳам эътиборини қарата бошладилар. Бироқ ўлкадаги мавжуд муаммолар асоси бўлган ачинарли бошқарувга асосланган мустамлакачилик тизими ҳар бир соҳада оғир юк бўлиб турарди. 1917 йил февраль революциясидан сўнг, император яқка ҳукмронлиги тугатилгач, муваққат ҳукумат томонидан 1917 йил 2(15) мартда чиқарилган “Баёнотнома” да янги қонунчилик органини тузиш, умумий сайлов ҳуқуқи асосидаги янги сайлов қонуни қабул қилиш ҳақидаги ҳужжат эълон қилинди. Бундай шароитда маҳаллий халқларнинг сиёсий фаоллиги кескин ошди. Туркистонда илк бор маҳаллий бошқарув органи сифатида шаҳар Думаларига (1917 йил июл-август ойлари) сайловлар бўлиб ўтди. Ушбу даврда ўлкада тобора фаоллашиб бораётган сиёсий жараёнларда кўзда ўтказилиши режалаштирилган Таъсис мажлисига тайёргарлик алоҳида ўрин эгаллади.

Таъсис мажлисига умумий тартибда сайлов ўтказиш кўзда тутилган бўлиб, унда Россияда мамлакат бошқарув шаклини ва табиийки, Туркистоннинг ҳуқуқларини ҳам белгилаб, берадиган Конституция тузиш кутилмоқда эди. Шунинг учун ҳам жаидчиларимиз унга жиддий тайёргарлик кўрган эдилар.

Ўлкадаги сиёсий жараёнлар жадаллик билан ривожланаётган бундай вазиятда миллий зиёлилар ҳам унга мос равишда кун тартибига ўша давр имкониятларидан келиб чиққан ҳолда аниқ вазифалар қўйиб борадилар. Маърифатпарварлар Туркистондаги давлат бошқаруви масаласини муҳокама қилиб, Тошкентда 1917 йил 17-20 сентябрда бўлиб ўтган туркистонлик ва козоқ мусулмонлари съездида Туркистон Мухториятини таъсис этишга қарор қилдилар. Туркистон Россия таркибидаги Федератив Республика бўлиши кўзда тутилган бўлиб, давлат хазинаси, ўз армиясига эга бўлмаган Туркистон шароитида бу энг маъқул йўл ҳисобланди. Бу ҳукуматнинг Парламенти бўлиши, ва парламент ўлкада яшовчи барча халқлар томонидан умумий, тўғридан-тўғри, тенг ва яшириш овоз бериши асосида 5 йиллик ваколат муддатига эга бўлган ҳолда сайланиши ҳақида келишиб олинади. Миллий зиёлиларнинг сиёсий ҳуқуқларни кўлга киритишга бўлган хоҳиши асосида сайлов тизимида фойдаланган ҳолда олий ҳокимият органларини шакллантириш мақсади мужассалашганини кўриш мумкин бўлди. 1917 йилда октябрда Тошкентда большевиклар ҳокимиятни кўлга олдилар. Большевиклар ўлкада давр тақозоси билан юзага келган илғор ғояларни

яксон қилдилар ва уларни амалга ошишига имкон бермадилар. Туркистонлик тараққийпарварлар бу пайтда ҳокимиятни тинч йўл билан, сайловлар асносида, яъни демократик йўл билан қўлга киритиш учун жиддий тайёргарлик кўриб, шай бўлиб турган эдилар. Улар бу пайтга келиб демократик сайловлар асносида қонун чиқарувчи органга эга бўлган дунёвий давлат тузиш режаларига эга эдилар. Бундан кўриниб турибдики, улар сайлов ҳуқуқи асосларини демократик тарзда ишлаб чиқдилар, диний мансублик, жинси, синфий келиб чиқиш ва мол-мулкка қараб чеклашлар қўймадилар. Бу даврда эса АҚШ, Англия, Франция, Германия каби ривожланган мамлакатларда ирқи, жинси ва келиб чиқишига қараб жиддий чеклашлар мавжуд эди. Туркистонлик илғор фикрли зиёлилар томонидан бундай илғор ғояларнинг 1917 йиллардаёқ илгари сурилиши уларнинг сиёсий жиҳатдан анча илғорлашиб бораётганликларини кўрсатиб турарди.

Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, ўлкада совет ҳокимиятининг ўрнатилиши юзасидан Туркистондаги тараққийпарварлар томонидан мусулмонларнинг тўртинчи Ҳалқ депутатлари курултойини чақиради. 180 нафар делегат иштирок этган курултой 1917 йилнинг 9-10 декабрь кунлари Туркистон Мухториятини эълон қилди. Унда демократик йўл билан Муваққат ҳукумат кенгаши ва Муваққат ҳукумат сайланди. Европалик аҳолига Халқ кенгашидан 18 та жой берилди. Албатта, совет ҳокимияти ўлкадаги халқларни давлат бошқарув ишларига қодир бўлмаган деб ҳисоблаб, уларни синдириш мақсадида маҳаллий аҳолига биронта ҳам ўрин ажратмаган, қолаверса, ушбу муваққат ҳукуматни тан олишни истамаган. Бу ўз навбатида Туркистон халқларининг демократик иродасининг ифодаси эди. Бироқ совет ҳокимиятини Туркистон мухториятини йўқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон мухтор ҳукуматыни йўқотиш тўғрисидаги 1918 йил февралда қабул қилган қарори асосий халқнинг асосий манфаатларини ошқора инкор этишдан далолат берарди. Айтиш мумкинки, туркистонликлар миллий демократик асосда давлатчиликни тиклаш, мустамлакачилик занжирларини узиш йўлида биринчи амалий қадам ташлашга уринган эди.

Совет ҳокимияти ҳукмрон бўлган даврда сайлов жараёнлари, халқ ҳокимияти ҳақида қанча фикрлар билдирилмасин, бироқ ушбу даврда барча сайлов жараёнлари марказнинг кўрсатмаси асносида амалга оширилиб келинарди. Бу вазият деярли 80-йилларнинг охиригача ҳукмрон бўлди.

1989 йил 20 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун, “Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови тўғрисида”ги Қонун, “Халқ депутатлари сайловини белгилаш тўғрисида”ги Олий Советнинг қарори ва улар асносида 1990 йил феврал – март ойларида бўлиб ўтган Ўзбекистон халқ депутатлари сайлови муҳим роль ўйнади. Ушбу жараённи Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримов қуйидагича таъкидлаган эди: “ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, халқимиз иродаси

хамда ваколати билан сайланган дастлаки Олий Кенгаш давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида тарихий бурилишга асос солди, пойдевори курди ва бошқарди”. XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига бўлиб ўтган сайловлар олдингиларидан тубдан фарқ қилиб, илк бор доимий асосда ишловчи орган сифатида беш йил муддатга Марказий Сайлов комиссияси ташкил этилди, битта партия шароитида булса ҳам, депутатликка номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар кўлами кенгайди, бир мандат учун сайлов округларида бир нечта номзодлар кураш олиб боришлари қонунан рухсат этилди, биринчи марта давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий органларининг ваколатлари муддатлари тенглаштирилди. Сайлов тизимини шаклланиши иккинчи бир жиҳатига ҳам эътибор берадиган бўлсак, бу бевосита энг илғор демократик талабларга асосланган миллий қонунчилик тизими яратилган. Унинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXIII бобидан, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Референдуми тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида”ги, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар сайлов тизимини янада мустаҳкамланишига эришилди. Энг асосийси янги “Сайлов кодекси”ни қабул қилиниши мамлакатимизда сайлов тарихининг янги даврини бошлаб берди. Сайлов тарихига назар солиш билан бирга сайловлар бир қатор ижтимоий – сиёсий вазифаларни ҳам бажаради. Биринчидан, сайловлар ҳокимият учун ўзаро курашувчи турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини рўёбга чиқариш механизмларидан бири ҳисобланади. Иккинчидан, сайловолди кампанияси даврида кишилар онгида шаклланидиган муҳим сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муаммоларга нисбатан уларнинг муносабатини намоён қилади ҳамда жамият олдида турган муаммоларнинг моҳиятини, уларнинг ечимини ўзига хос усулларда ҳал этиш имкониятларини кўрсатади. Хулоса қилиб, Ўзбекистон сайлов тарихи унчалик узок даврни олмаган бўлсада, бироқ мустақиллик давридаги сайлов тарихининг шаклланиши учун етарли асослар мавжудлигини исботлаб берди. Шунингдек, сайлов тарихининг ҳар бир босқичида Конституция ва халқаро андозаларга мос равишда ислохотлар мақсади ва фуқаролар сиёсий ҳуқуқий онгининг ўсиб боришига мутаносиб тарзда янги поғонага кўтарилди. Бошқача қилиб айтганда, сайловнинг амалиётда изчил қўлланилиши мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг таркибий қисмига айланди. Шунини айтиш мумкинки, давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг асосий воситаси ҳисобланган - демократиянинг кўзгуси, умумхалқ сайловларининг мазмун-моҳияти, унинг қисқача тарихи, бу ўта муҳим сиёсий тадбирни амалга оширишда жаҳон мамлакатлари тўплаган тажриба ва сайловларнинг бугунги кунда жамиятнинг сиёсий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти жуда каттадир.

Адабиётлар рўйхати

1. Ҳуқуқ газетаси 2009 йил 17 декабр № 51
2. А.Саттаров, Д.Холманова. Сайловда биринчи марта овоз берувчилар учун қўлланма. Т.: Ўзбекистон. 2014. 4-б.
3. Ц.Содиқов, Н.Жураев. Ўзбекистон тарихи (Туркистон чоризм мустамлакачилиқ даврида).:Т. “Шарқ” НМАК, 2011 244-245 б.
4. Б.Эшов Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Янги аср авлоди, -Т.: 2012 йил, 435-436 бет
5. Ш.Дудратхужаев. Ўзбекистонда профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиш истикболлари. Шарқ. НМАК., 2007, 44-45 бет.
6. С.С. Аъзамхужаев Туркистон мухторияти: миллий демократик давлат қурилиш тажрибаси. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. -Т.: Шарқ, 2001. 184-б.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари. 1989. 26-28, 8-18, 18-35, 55-б.
8. И.А.Каримов “Ижобий ишларимизни охирига етказайлик”, XII чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 16-сессиясидаги маъруза. - Т.: Ўзбекистон. 1994 й. 3-б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномаси.
10. Международные акты о правах человека: Сборник документов. 2-е изд., доп.-М.: Норма, 2002.
11. М.Х.Хақимов, Я.М. Серьга Борьба большевиков за создание национальной советский государственности в Туркестане. - Т.: Узбекистан, 1964.

KUTUBXONALARNING RIVOJLANISH TARIXI

*Choriyev Jasurbek Chorshanbiyevich**Termiz davlat universiteti "Musiqqa ta'limi" kafedrasida o'qituvchisi*

Annotatsiya. Ushbu maqolada "Kutubxonalarining rivojlanish tarixi" mavzusini yetarlicha yoritib berishga harakat qilindi.

Kalit so'zlar: kutubxona, taraqqiyot, tahlil, xalq, xotira, Antik davr, kitob, Misr, qo'lyozma, hujjat, fikr, jamiyat, adabiyot, gazeta.

Аннотация. В данной статье предпринята попытка достаточно осветить тему «История развития библиотек».

Ключевые слова: Библиотека, развитие, анализ, народ, память, Античность, книга, Египет, рукопись, документ, мысль, общество, литература, газета.

Abstract. In this article, an attempt was made to sufficiently illuminate the topic "History of the development of libraries".

Keywords: Library, development, analysis, people, memory, Antiquity, book, Egypt, manuscript, document, thought, society, literature, newspaper.

Insoniyat tarixi kurashlardan, aql va ma'rifatning rivojidan, uning nodonlik ustidan g'alabasidan, yaxshilik va yomonlikning kurashidan iborat. Insoniyat doimo muntazam taraqqiyot yo'lidan borgan. Inson tafakkurini o'zida aks ettirib, saqlab kelayotgan ijtimoiy xotira shu taraqqiyot negizini tashkil etadi. Ijtimoiy xotira insoniyat taraqqiyotining hamma davrlarida biron-bir axborotni yoki ma'lumotni qayerdadir qayd etish, ro'yxatga olish, saqlash, qayta ishlov berish, kingadir, avloddan avlodga yetkazishning o'sha davrga xos shakllaridan iborat bo'lgan. Bu shakllar ma'lum bir sifatga, qiyofaga yoki vositalarga ega bo'lgan. Jamiyatlar taraqqiyotining dastlabki bosqichlarida tilning paydo bo'lishi dastlabki tajribalarni o'zlashtirib, tahlil qilib, mehnat qurollarini takomillashtirish, ulardan foydalanish jarayonlarida ko'zga tashlangan. Eng muhim belgilar tuzilmasidan iborat yozuvning paydo bo'lishi esa fikrlarni uzoq vaqt davomida saqlab qolish, bir kishidan ikkinchi kishiga yetkazish, avloddan avlodga yetkazish imkonini kengaytirdi. Avval xalq og'zaki ijodi ko'rinishida, keyinchalik yozma shaklda paydo bo'lgan ma'lumotlar almashinuvi og'zaki va yozma adabiyotning paydo bo'lishiga olib keldi. Natijada, avval og'zaki ko'rinishdagi matnlar yozma shaklga aylandi.¹

Insoniyat tomonidan yaratilgan ikkinchi kashfiyot – kitob yuzaga keldi va hamma bilim sohasida adabiyotning mavjudlik shakllariga aylandi. Davrlar davomida kitobning shakl-shamoyili, sifati, bezatilishi, tashqi ko'rinishi, ishlab chiqarilishi takomillashib bordi. Antik davrda o'rama kitoblar shakllangan bo'lsa, keyinchalik eramizning IV asriga kelib, muqovaga ega qo'lyozma kitoblar paydo bo'ldi. XV asrga kelib esa qo'lyozmalarni qo'lda ko'chirib yozishdan kitob chop etishga o'tildi. XX asr oxiriga kelib esa ilg'or mamlakatlarda elektron shakldagi kitoblar yuzaga keldi. Ammo har qanday shaklda bo'lmasin, kitobning mohiyati

¹ <https://saviya.uz/hayot/nigoh/ozbekistonda-kutubxona-va-kutubxonashunoslik-tarixi/>

o'zgaraydi. Qo'lyozma holida ham, matbaa holida va elektron shaklda ham kitob o'zining tub mohiyatini, ahamiyatini yo'qotmaydi, uning o'rnini boshqa narsa egallay olmaydi.

Kutubxonalar dastlab qadimgi Sharqda paydo bo'lgan. Odatda eramizdan avvalgi 2500-yillardagi loy tabletkalar to'plami birinchi kutubxona deb ataladi. e., Shumerning Nippur shahri ibodatxonasida topilgan. Misr Fivasi yaqinidagi qablardan birida Ikkinchi oraliq davrga (miloddan avvalgi XVIII-XVII asrlar) oid papiruslar solingan quti topilgan. Yangi qirollik davrida Ramses II 20 000 ga yaqin papirus to'plagan. Eng mashhur qadimiy Sharq kutubxonasi miloddan avvalgi 7-asrdagi Ossuriya shohi saroyidan olingan mixxat lavhalar to'plamidir. e. Naynavodagi Ashurbanipal. Plitalarning asosiy qismida huquqiy ma'lumotlar mavjud. Qadimgi Yunonistonda birinchi ommaviy kutubxona Gerakleya shahrida zolim Klerx (miloddan avvalgi 4-asr) tomonidan tashkil etilgan.²

Yozma axborot manbalari bo'lgan kitob, gazeta, jurnal va boshqalar jamiyat taraqqiyotini, ma'naviy, ijtimoiy-maishiy talabehtiyolarini to'la qondirishga qaratilgan va butun insoniyat taraqqiyoti davomida shu vazifani ham bajarib kelgan. Yozma hujjatlar kishilarning o'zaro fikr almashuv imkoniyatlarini kengaytirgan bo'lsa, kutubxonalar yozma asarlar umrini uzaytirish vositasi hisoblangan. Boshqa ijtimoiy muassasalar kabi kutubxonalar ham jamiyatning eng zaruriy ehtiyojlari asosida vujudga keldi va turli davrlarda turlicha shaklda rivojlanib keldi. Buning sababi, ma'lumotlarni qayd qilish, uzatish vositasi sifatida ijtimoiy talabga javob beradigan yozuvning paydo bo'lishi bilan o'z-o'zidan tabiiy holda ana shu yozuvlarni saqlay oladigan muassasalarni vujudga keltirishga ehtiyoj paydo bo'lgan edi. Shu tufayli ham kutubxonalar avval-boshdanoq jamiyatning mo'tadil mavjudligini ta'minlaydigan ajralmas qismi hisoblangan.

Kutubxona – kitoblar va kishilik jamiyati tarixi yig'indisi bo'lgani uchun insonparvar muassasadir. Bunda insoniyat erishgan barcha ilmlar, turli fan sohalari bo'yicha shaklidan, xilidan, turidan, tilidan qat'i nazar, adabiyotlar to'plangan. Kutubxonalar zulmatga, nodonlikka, jaholatga qarshi kurashda faol bo'lgan, kishilar qalbiga ezgulik, yaxshilik, sahoqat, sadoqat, mehr-muhabbat, oqibat urug'larini singdirgan. U insoniyat butun borlig'ining buyuk hujjatlashgan guvohi sifatida yashab kelmoqda. Unga zarurat sezgan har bir kishi bemalol foydalana olishi va, o'z navbatida, kutubxonalar shu maqsadda hammabop bo'lishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. <https://saviya.uz/hayot/nigoh/ozbekistonda-kutubxona-va-kutubxonashunoslik-tarixi/>.
2. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
3. Zuhra Berdiyeva “Kutubxonashunoslik” (Kasb-hunar kollejlari uchun. Toshkent, “Ilm ziyo”, 2014) darsligidan.
4. Choriyev, B. (2022). ISSUES TO INCREASE THE EFFECTIVENESS OF MUSIC CULTURE CLASSES IN SECONDARY SCHOOLS. *Journal of Integrated Education and Research*, 1(1), 67-73.

² <https://ru.wikipedia.org/wiki>

5. Choriyeu, B. B. (2019). Ideological bases for the modernization of Uzbek folk instruments. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 12 (80), 83-87.
6. URL: <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=42657401>

MAHALLIY BYUDJETLAR XARAJATLARI BARQARORLIGINI TA'MINLASH MASALALARI

Axmedova Zumrad Matrasulovna

O'zbekiston Respublikasi bank - moliya akademiyasi tinglovchisi

zumrad20134@gmail.com

Mahalliy byudjetning moliyaviy barqarorligi bu shunday kompleks tushunchaki, unga ko'ra ma'lum bir mahalliy hududning barqaror rivojlanishi, shu bilan birga, byudjet riski mavjud vaqtda ham moliyaviy xavfsizligini saqlab tura olishi uchun zarur bo'lgan miqdorda pul fondiga egalik holatini aks ettiradi. Bunda mahalliy byudjetning moliyaviy barqarorligi shartlari bo'lib quyidagilar hisoblanadi:

- byudjet xarajatlari va daromadlarining balanslashtirilganligi; - byudjetning moliyaviy mustaqilligi va to'lovga qobiliyatligi, ya'ni mahalliy organlarning hech qanday moliyaviy yordamsiz, byudjetga moliyaviy resurslarni safarbar qila olish qobiliyati; - o'z majburiyatlarini to'liq va o'z vaqtida bajara olishi. Ko'pgina xorij adabiyotlarida, byudjet barqarorligini ta'minlashda uch indikator o'rganiladi: 1) Byudjet simmetriyasi; 2) Daromad potentsiali; 3) Byudjetning ta'minlanganligi. Ko'rish mumkinki, mahalliy byudjetlarning moliyaviy barqarorligi ularning moliyaviy xavfsizligi bilan uzviy bog'liqlikda ifodalangan. Zero, shu orqali moliyaviy barqarorlikning turli darajalarini, ularni belgilovchi mezonlari va indikatorlarini aniqlash mumkin bo'ladi. Shunday qilib, mahalliy byudjetlarning moliyaviy barqarorligi etarli darajada o'z moliyaviy mablag'lariga ega bo'lishi, byudjetning balanslashtirilganligi hamda xarajatlarning aksariyat qismi aynan ijtimoiy-madaniy sohani moliyalashtirishga qaratilganligida namoyon bo'ladi.

Mahalliy byudjetlarning moliyaviy barqarorligini ta'minlash orqali mahalliy hududiy birliklarning nafaqat moliyaviy holati yaxshilanadi, balki hududning ijtimoiy-iqtisodiy salohiyati oshadi. Shunisi ahamiyatliki, moliyaviy barqarorlikni ta'minlashda xarajatlarning ijtimoiy yo'naltirilganligiga ham alohida e'tibor qaratiladi. Sababi, ijtimoiy xarajatlar jami mahalliy xarajatlarning kattagina qismini tashkil etadi va u o'z ichiga ta'lim, sog'liqni saqlash hamda madaniyat sohalarini qamrab oladi.

1-jadval

2016-2021 yillarda mahalliy byudjetlar xarajatlarining tarkibi va miqdori (mlrd. so'mda)

№	Xarajatlar	Yillar					
		2016	2017	2018	2019	2020	2021
1	Ijtimoiy soha va aholini ijtimoiy qo'llabquvvatlash xarajatlari	18600,0	18646,4	27837,3	40535,1	28182,0	36547,2

2	Iqtisodiyot xarajatlari	1294,8	1612,1	3189,8	4156,6	8937,8	11617,9
3	Markazlashgan investitsiya xarajatlari moliyalashtirish	780,1	1474,1	2456,3	3054,3	4417,5	9793,8
4	Davlat boshqaruvi, adliya va prokuratura organlarini saqlash xarajatlari	273,1	591,8	1342,4	2588,8	3341,8	4278,3
5	O'zini o'zi boshqarish organlarini saqlash xarajatlari	459,1	498,6	603,5	701,1	817,7	1023,4
6	Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar zaxira jamg'rmalari	37,0	137,5	320,0	450,3	970,9	611,5
7	Davlat qarzlariga xizmat ko'rsatish va qoplash xarajatlari	4,3	27,4	16,7	86,2	89,2	58,8
8	Boshqa xarajatlar	54,9	101,0	269,9	477,3	433,9	1663,5
Jami		21503,2	23089,1	36035,8	52049,7	47190,8	65534,4

2016-2021 yillarda ijtimoiy soha va aholini ijtimoiy qo'llab-quvvatlash xarajatlarining mahalliy byudjetlar xarajatlaridagi salmog'i sezilarli darajada yuqori bo'lib, yillik o'rtacha 79,6 foizni tashkil qilgan (1-jadval). Bu esa mahalliy byudjetlar xarajatlari tarkibida ijtimoiy xarajatlarning ustuvorligi saqlanib qolgan holda 2016- 2021 yillarda ushbu sohaga yo'naltirilgan mablag'lar miqdori yiliga o'rtacha 17603,1 mlrd. so'mni tashkil etgan. Bunday holat mahalliy byudjetlar mablag'lari hisobidanmaorif, sog'liqni saqlash, madaniyat va sport, fan, aholining ehtiyojmand qatlamlariga ijtimoiy nafaqalar, moddiy yordam va kompensatsiya to'lovlari faol moliyalashtirilayotganligini ko'rsatadi va aholini ijtimoiy himoya qilish nuqtai nazaridan ijobiy holat hisoblanadi.

Xulosa qilib aytishimiz mumkunki, bu holat o'z navbatida, tuman mahalliy byudjetining yuqori byudjet, ya'ni viloyat byudjetiga qaramligini oshiradi. Moliyaviy transfertlarga bo'lgan ehtiyojni kamaytirish va tuman mahalliy byudjeti mustaqilligini oshirishda mahalliy davlat hokimiyati va moliya organlari o'z vakolatlari doirasida mahalliy byudjet daromadlaridan oqilona foydalanishlari, mavjud mablag'larning maqsadli sarflanishi uchun shaxsiy javobgarlik va mas'uliyatlarini oshirishlari, shuningdek, xarajatlarning maqsadlilikini, manzilligini ta'minlashi va ulardan oqilona foydalanilishini nazorat qilishlari talab

etiladi. Mazkur tadbirlarning samarali amalga oshirilishi, pirovardida, yalpi hududiy mahsulot va ishlab chiqarish hajmlarining ko‘payishiga, hudud aholisining turmush farovonligining yanada yaxshilanishiga, hududlar moliyaviy imkoniyatlarining kengayishiga hamda tuman mahalliy byudjet daromadlari barqarorlashuviga olib keladi.

**ZAXIRADAGI OFITSERLARNI TAYYORLASHDA, HARBIY
TA'LIMNING MAQSADI, VAZIFALARI VA ISTIQBOLLARI**

Umarov Ismoiljon Olimjonovich

*Fag'ona davlat universiteti harbiy ta'lim fakulteti o'qituvchisi, rezervdagi
podpolkovnik*

Abduraximov Iskandar Nodirjon o'g'li

Harbiy ta'lim fakulteti talabasi

Annotatsiya. Ushbu maqolada Rezervdagi va zaxiradagi ofitserlarni tayyorlashda Chaqiruvga harbiy ta'limning maqsad vazifalari, yoshlarimizni vatanparvarlik ruhida tabiiylash vaularni harbiy xizmat jarayonida duch kelishi mumkin bo'lgan qiyinchiliklarni yengib o'tishga o'rgata oladigan yagona fan ekanligini isbotlashdan iboratdir.

Kalit so'zlar: chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik, konstitutsiya, normativ hujjat, harbiy, ximoya, O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari, harbiy tayyorgarlik, harbiy ta'lim, qurolli kuchlarning tuzilish, xavfsizlik, davlat, demokratik, respublika, burch, mudofaa.

Kirish. Respublikamizda harbiy kadrlarni tayyorlashga, ularning harbiy mahoratini oshirishga katta ahamiyat berilmoqda. Harbiy akademiyalar, qo'shin turlari bo'yicha harbiy o'quv yurtlari ochilgani fikrimizga yorqin dalildir. Davlat chegaralarini o'z qo'shinlarimiz tomonidan hushyorlik bilan qo'riqlanayotgani ham xalqimizning harbiy ruhini yuksaltirib turibdi. Haqiqiy mustaqil davlat shunday ishtutadi, o'z mudofaasini o'z galar qo'liga topshirib qo'ymaydi. Xalqning umumiy harbiy ruhini ko'tarishda, harbiylarni matonatli, shijoatli qilib tarbiyalashda ajdodlarimizdan bizga meros qolgan harbiy bilimlarni ommalashtirish, harbiy san'at sirlarini harbiy o'quv yurtlarida o'qitish ham samarali omillardan hisoblanadi.

Asosiy qism. Har bir chaqiruvga bo'lgan yoshni tarbiyalar ekanmiz avvalambor biz ushbu yoshlarning siyosiy ongini boyitib borishimiz kerak bo'ladi. Bu borada biz davlatimiz tarafidan chiqarilayotgan qonun va qoidalarga asoslanamiz. O'zbekiston Respublikasining bir qator qonun va qoidalari mavjud bo'lib, ushbu qonun qoidalarga asosan me'yoriy hujjatlar yuritilmoqda. Masalan bulardan: O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, Umumiy harbiy majburiyat va harbiy xizmat to'g'risidagi qonun, O'zbekiston Respublikasining mudofaa tug'risidagi qonuni va O'zbekiston respublikasi Qurolli kuchlari nizom va qonunlarini asoslar sifatida olsak bo'ladi.

Bulardan tashqari yoshlarimizni vatanparvarlik ruhida tabiiylashda umumta'lim maktablari va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'lim muassasalarida chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik fanini o'qitilishi asosiy omillardan sanaladi. Mudofaa Vazirligining oliy harbiy o'quv yurtlariga kirib ta'lim olish va Qurolli Kuchlarimizning barcha harbiy xizmat turlarida harbiy xizmatga tayyorgarlik ko'rayotgan yoshlarimiz umumta'lim maktablari va o'rta maxsus, kasb-xunar ta'lim muassasalaridagi chaqiruvga qadar boshlang'ich

tayyorgarlik jarayonida kerakli ta'lim-tarbiyani oladilar va o'zlarini qiziqtirgan ma'lumotlarga ega bo'ladilar. Bunday ta'lim - tarbiya jarayonini umumta'lim maktablari va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'lim muassasalarining pedagogik jamoasi bilan harbiy rahbar va chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik fani o'qituvchilari hamkorlikda amalga oshirishlari shart.

Shunday ekan o'z-o'zidan bunday dolzarb vazifalarni bajarishda pedagogika universiteti qoshidagi harbiy fakultetlar jamoasining harbiy rahbar va chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik fani o'qituvchilarini tayyorlash bo'yicha o'z majburiyatlari va vazifalarini sifatli bajarishlari alohida e'tiborga molikdir. Bu borada ayniqsa chaqiruvga qadar harbiy ta'limni tashkil qilish va uning metodikasi fanini o'qitilishida, Qurolli Kuchlarimizda olib borilayotgan islohotlar strategiyasini tub mohiyatini chuqur anglagan holda, eng zamonaviy o'qitish uslublaridan va ta'lim texnika vositalarini eng so'ngi ishlab chiqilgan rusumlaridan foydalanish, shuningdek, tez o'zgarib borayotgan zamonamizning yangi-yangi talablarini nazardan chetda qoldirmasligimiz shart bo'ladi. Chaqiruvga qadar harbiy ta'limni tashkil qilish va uning metodikasi talabalarning maxsus harbiy tayyorgarligining asosiylaridan biri hisoblanadi. Bu fan «Chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik fani» metodikasining tarkibiy qismi sifatida davlat imtihoniga kiritiladi. Maxsus fanlarni o'qitishdan asosiy maqsad- talabalarda harbiy-pedagogik tayyorgarlikni yuksaltirish va chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik fani bo'yicha mashg'ulotlarini o'tkazishda amaliy ko'nikmalar hosil bo'lishiga qaratiladi. Mazkur fanni o'rganish O'zbekiston Respublikasining «Umumharbiy majburiyat va harbiy xizmat to'g'risida»gi qonun talablarini, O'zbekiston Respublikasining yoshlarni chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarligi bo'yicha nizomini, O'zbekiston Respublikasi Mudofaa Vazirligining buyruqlari va direktivalarini, chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlikni tashkil qilish va olib borish, o'quvchi yoshlarni vatanparvarlik tarbiyasi ishlarini, O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safiga xizmatga tayyorlash bo'yicha masalalarni, chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarligi (chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik fani) bo'yicha o'quv jarayonini rejalashtirish tamoyillarini, ta'lim muassasalarida chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik fani dasturining barcha bo'limlari bo'yicha mashg'ulotlarni tashkil qilish va olib borishda yangi pedagogik texnologiyalarni qo'llashni, zamonaviy o'quv texnika vositalaridan foydalana bilishni, ta'lim muassasasi direktori va Chaqiruvga qadar tayyorgarlik o'qituvchisining majburiyatlarini, hamkorlikda bo'lgan tashkilotlar bilan aloqa shakillarini, chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik fani bo'yicha o'quv - moddiy bazaga qo'yiladigan talablarni bilishlari va ularni amalda qo'llay olishlari uchun yetarli ilm-malaka va ko'nikmalar berishdan iborat. Talabalar ta'lim olayotgan paytlarida o'zlarida harbiy rahbarning yoshlarni O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safiga xizmatga tayyorlash masalalari bo'yicha majburiyatlarini bajarishida zarur bo'lgan siyosiy, ahloqiy, ruhiy tayyorgarliklarini yuqori bo'lishini va Vatan himoyachisi sifatlarini mujssamlashtirishlari shart. Hozirgi kunda Qurolli kuchlarimiz tarkibidagi harbiy qism va bo'limmalarni puxta

bilimga ega bo'lgan shaxsiy tarkib bilan to'ldirish, uning siyosiy, manaviy, axloqiy ruxiy vatanparvarlik tarbiyasiga alohida e'tibor berish muhim shartlardan biri hisoblanadi. Shaxsiy tarkibning yuqoridagi qayd etilgan sifat va fazilatlarini shakllantirishni, tarbiyalashni faqat harbiy kadrlar tayyorlash bilim yurtlari, qism komandirlari va harbiy boshliqlarning vazifasi deb hisoblash to'g'ri bo'lmaydi. Ma'lumki armiya safida o'z bo'ysunuvchilarining faoliyatlariga komandir va boshliqlar ma'suldirlar. Lekin sifat va fazilatlarini shakllantirishga kelganda armiya safigacha bo'lgan ta'lim tarbiya o'rnining ahamiyati katta. Ayniqsa umumta'lim maktablari, o'rta maxsus va o'rta kasb-hunar ta'limi muassasalarida chaqiruvga qadar tayyorgarlik fanini sifatli va samarali o'qitilishini ahamiyati bu borada muhim.

Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov ta'kidlaganidek «Yosh avlodni el-yurtga, vatanga sadoqatli, iymon-e'tiqodli, mard va jasur, yuqori malakali, ma'naviyati yuksak insonlar qilib tarbiyalashda ta'lim o'chog'larining alohida o'rni bor». Ta'lim o'chog'laridan umumta'lim maktablarida, o'rta maxsus va kasb-hunar ta'lim muassasalarida «Chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik»ni o'qitilishi haqida O'zbekiston Respublikasining «umumiy harbiy majburiyat va harbiy xizmat to'g'risida»gi qonunning 13-moddasida quyidagicha yozilgan: «Chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik,shu jumladan fuqaro mudofaasi bo'yicha tayyorgarlik o'quv dasturidagi majburiy fan bo'lib, umumta'lim muassasalarida chaqiruvga qadar tayyorgarlik fani o'qituvchilari tomonidan bitirish yili arafasidagi kurslardan yoki sinflardan boshlab o'tiladi». Bundan tashqari ushbu ustuvor vazifalar O'zbekiston Respublikasining «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»,«Mudofaa to'g'risida»gi qonunlarida va O'zbekiston Respublikasi Mudofaa Vazirligining buyruq va talablarida ham o'z ifodasini topgan. Ko'rinib turibdiki 1999 yil yanvaridan e'tiboran Qurolli kuchlarda boshlangan harbiy islohotlar strategiyasining nazarda tutgan, mamlakatimiz tinch, osoyishtaligini ishonchli va samarali ximoya qilishga qodir tezkor, yaxshi ta'minlangan qurolli kuchlarni tuzish maqsadini amalga oshirish faqat oliy harbiy o'quv muassasalarining vazifasi deb o'ylash,masalaga faqat bir tomonlama qarashdir. Bu borada chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik muhim ahamiyat kasb etadi.

Xulosa. Ushbu maqoladan xulosa qilib shuni aytish mumkinki, maqolada Chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik fanining maqsad va vazifasi to'g'risida ma'lumotlar berib o'tilgan. Maqolaning kirish qismida Respublikamizda harbiy kadrlarni tayyorlashga, ularning harbiy mahoratini oshirishga katta ahamiyat berilayotganligi to'g'risida ma'lumotlar berib o'tish bilan birgalikda, harbiy akademiyalar, qo'shin turlari bo'yicha harbiy o'quv yurtlari ochilganligi to'g'risida ham ma'lumotlar berilganligi fikrimizga yorqin dalildir.Davlat chegaralarining o'z qo'shinlarimiz tomonidan hushyorlik bilan qo'riqlanayotgani ham xalqimizning harbiy ruhini yuksaltirib turibdi. Haqiqiy mustaqil davlat shunday ishtutadi, o'z mudofaasini o'z g'alar qo'liga topshirib qo'ymaydi. Xalqning umumiy harbiy ruhini ko'tarishda, harbiylarni matonatli, shijoatli qilib tarbiyalashda ajdodlarimizdan bizga meros qolgan harbiy bilimlarni

ommalashtirish, harbiy san'at sirlarini harbiy o'quv yurtlarida o'qitish ham samarali omillardan hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Umarov, I. O. (2021). HARBIY TAYYORGARLIK O 'QUV MARKAZIDA REZERVDA GI VA ZAXIRADAGI OFITSERLARNI TAYYORLASH: AN'ANALARI, INNOVATSIYALARI, ISTIQBOLLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9), 939-944.
2. Olimjonovich, U. I. (2022). AMIR TEMURNING 1391 YILDA OLTIN O 'RDAGA QILGAN HARBIY YURISHI. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 1(11), 368-371.
3. Olimjonovich, U. I. (2022). IKKINCHI JAHON URISHIDA O 'ZBEKISTON SANOAT QURILISHI MAYDONCHASIGA AYLANISHI. IJODKOR O'QITUVCHI, 2(23), 193-197.
4. Olimjonovich, U. I., Mirhokimovich, T. A., & Ibragimovich, A. I. (2022). ARMED FORCES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. Scientific Impulse, 1(4), 1884-1892.
5. Olimjonovich, U. I., Mirhokimovich, T. A., & Ibragimovich, A. I. (2022). QOMUSIMIZ-ERKIN VA FAROVON HAYOTIMIZ KAFOLATI. IJODKOR O'QITUVCHI, 2(24), 244-253.
6. Olimjonovich, U. I., Rahmatoli o'g'li, E. S., Nurali o'g, J. R. S., Ikromjon o'g'li, I. S., & Ahrorjon o'g'li, K. A. (2022). HARBIY BILIM YURTLARIDA HARBIY PSIXOLOGIYA FANINING O'RGATISH AFZALLIKLARI VA AHAMIYATI. Scientific Impulse, 1(4), 415-419.

DAVLAT BYUDJETI G'AZNA IJROSINI TAKOMILLASHTIRISH*Axmedova Zumrad Matrasulovna**O'zbekiston Respublikasi bank - moliya akademiyasi tinglovchisi
zumrad20134@gmail.com*

Byudjet kassa ijrosining mohiyati va afzalliklari daromadlarning kelib tushishi va xarajatlarning amalga oshirilishini barqarorlashtirishdan iborat. Ushbu jarayon davlat byudjetining kassa ijrosini rejalashtirish va boshqarishning murakkab tizimini o'zida mujassam etadi va, o'z navbatida, Davlat byudjeti ijrosini rejalashtirish mexanizmini talab etadi.

Davlat byudjetining kassa (tushumning haqiqatda tushishi va mablag'ning haqiqatda chiqishi) ijrosi mamlakat zimmasiga yuklatilgan majburiyatlarni ijro etishning muhim mexanizmi hisoblanib, G'aznachilik tizimida byudjetning kassa ijrosi Yagona (YaG'H) yoki hududiy g'azna hisobvaraqlariga pul tushumlari va undan amalga oshirila digan xarajatlar moliyaviy jarayonlarini o'z ichiga oladi. Byudjet kassa ijrosining mohiyati va afzalligi daromadlarning kelib tushishi va xarajatlarning amalga oshirilishini barqarorlashtirishdan iborat. Ushbu jarayon Davlat byudjetining kassa ijrosini rejalashtirish va boshqarishning murakkab tizimini o'zida mujassam etadi va, o'z navbatida, Davlat byudjeti ijrosini rejalashtirish mexanizmini talab etadi.

Rejalashtirishning asosiy maqsadi xato qarorlar qabul qilish xavfini pasaytiruvchi vositalar va muqobil variantlarni aniqlashdan iborat bo'lib, birinchi vazifasi, tezkor rejalarning taxminiy variantlarini ishlab chiqish bo'lsa, ikkinchisi, moliyaviy mablag'larga bo'lgan muayyan ehtiyojni aniqlash va ularni prognoz qilishdan iboratdir. Byudjet ijrosini rejalashtirish kassa tushumlari va kassa to'lovlarining muvofiqligini ta'minlash hamda mablag'lar jalb qilish rejalarni ishlab chiqishga asoslangan bo'lib, byudjetning daromadlari va xarajatlarini kassali rejalashtirish va pul mablag'larini kassali boshqarishdan iboratdir.

Byudjetni kassali rejalashtirish – bu daromad tushumlari prognozlari, xarajat rejalari yig'indisi hamda ularga tuzatishlar kiritishning tezkor mexanizmidir.

Byudjet pul mablag'larini kassali rejalashtirishni beshta asosiy tarkibiy qismga ajratish mumkin:

- daromadlar prognozi va xarajatlar rejasi asosida kassa oqimlarining yillik rejasini ishlab chiqish;
- manbalar bo'yicha g'azna hisobvaraqlariga daromadlar tushumlarini tashkil qilish;
- byudjet xarajatlarini ijro etish uchun mablag'larning o'z vaqtida ajratilishini ta'minlash;

- amaldagi ijro monitoringini yuritish va ularni rejadagi ma'lumotlar bilan solishtirish;
- emissiya va davlat qarzini qaytarish
- qisqa muddatli ortiqcha mablag'larni eng qulay shartlarda byudjet tadbirlarini moliyalash uchun yo'naltirish.

Byudjetning daromadlari va xarajatlarini kassali rejalashtirish bu daromad va xarajatlarning hamda mablag' jalb qilish kassa rejalarining umumlashgan ko'rinishidir. Kassa rejasi – bu o'tgan davr asosida tuzilgan va kelgusi davr o'zgarishlarini hisobga olgan daromadlar va xarajatlar prognozi hamda byudjetdan mablag' oluvchilarning kelgusidagi to'lovlaridir.

Kassa rejasi G'aznachilikning (Yagona) g'azna hisobvaraqlaridan o'tuvchi moliyaviy oqimlarning kunlik prognozlarini ko'rsatadi. Yil boshi holatiga ko'ra, kassa rejasi byudjetning tuzilishi lozim bo'lgan daromadlar va xarajatlar yoyilmasi bilan muvofiqlashtirilib, tushumlar bo'yicha vaziyatning o'zgarishiga va amalga oshirilayotgan xarajatlarning dolzarbligiga qarab doimiy ravishda qayta ko'rib chiqishni talab etadi hamda daromadlar va xarajatlarning har oyga bo'lingan choraklik prognozlarini aks ettiradi.

Byudjet yoyilmasining daromad qismini ishlab chiqish uchun yuzaga kelgan makroiqtisodiy ko'rsatkichlar, soliq stavkalari, prognoz qilinayotgan davr daromad ko'rsatkichlari bazasining o'tgan davr ma'lumotlari asos bo'lib xizmat qilsa, uning xarajat qismini ishlab chiqish uchun esa xarajatlar smetasi asos vazifasini o'taydi. Xarajatlar smetalari xarajat moddalarining hajmini, maqsadli yo'nalishlarni, saqlab turish va muayyan tadbirlarni amalga oshirish uchun byudjetdan beriladigan mablag'larning har oy bo'yicha taqsimlanishini belgilab beradi. Kassa rejalarini tayyorlash daromadlar, to'lovlar kelib tushishi va majburiyatlar monitoringini o'tkazishni talab qiladi.

Ushbu rejalaridan (Yagona) g'azna hisobvaraqlari bo'yicha to'lovlar uchun pul mablag'larining har oylik o'tkazilishini aniqlashda foydalaniladi. Ular tushumlarni prognoz qilish va o'tgan oylar byudjetining ijrosini tahlil qilish uchun asos hisoblanadi.

Kassa rejaları har haftada yangilanib, 57 haftaga tuzilishi (qo'shimcha davr bilan hisoblaganda) maqsadga muvofiq hisoblanadi. Chunki bir yillik vaqt oralig'i kassa rejalarida qaytarish muddati bir yildan so'ng keladigan G'aznachilik obligatsiyalari chiqarilishini, qisqa muddatli qarz majburiyatlari uchun eng uzoq muddatni to'liq aks ettirish imkonini beribgina qolmay, moliya yilining yakuniga ko'ra qo'shimcha davrda yil boshida kassa rejalarini yangilash va o'tayotgan yilning kassa xarajatlarini to'liq tugallash imkonini ham beradi. Bu holat, o'z

navbatida, kelayotgan moliya yilining Davlat byudjeti daromadlar va xarajatlar yillik kassa rejasini joriy yilning oxirigacha ishlab chiqilishini taqozo qiladi.

Davlat g'aznasiga tushishi lozim bo'lgan tushumlar to'g'risidagi axborotlar ham muhim hisoblanadi. Masalan, Avstraliya G'aznachiligi kassa oqimlari to'g'risidagi axborotni tashkilotlar tomonidan har haftada taqdim etilishini talab qiladi. Bunday usul 98 kun oldinga kunlik oqimlar va chiqimlarni, shu jumladan, haftalik oqimlarni prognoz qilish imkonini beradi.

Shuningdek, prognoz qilishning statistik usullari ham mavjud bo'lib, ular dinamik qatorlar bilan namoyon etilgan iqtisodiy ko'rsatkichlarni ekstrapolyatsiya qilish bilan bog'liq.

Ekstrapolyatsiya – bu dinamik qator tendentsiyasini topish, ya'ni avvalgi darajalar ma'lum bo'lgan bir paytda keyingi darajalar ko'rsatkichlarini topish demakdir. Dinamik qatorlar tendentsiyasining ekstrapolyatsiyasi tez-tez ishlatiladi, chunki u ancha sodda bo'lib, nisbatan kichik hajmdagi axborot hajmini va sodda matematik usullarni talab qiladi. Bunda masalan daromadlarning yillararo tushumlarini yoki xarajatlarini prognozlashtirish mumkin. Kassa rejasining amaldagi ijrosini tahlil qilmasdan va baholamasdan turib samarali kassa ijrosini amalga oshirib bo'lmaydi. Bu esa, o'z navbatida, xarajatlar ustidan umumiy nazoratni amalga oshirishni, mablag' jalb qilishning eng past qiymatini aniqlashni va byudjetdan mablag' oluvchilarning xarajat limitlarini (xarajatlarni to'lash uchun ruxsatnomalar) asosini ta'minlab, pul mablag'larini kassali boshqarishga xizmat qiladi.

Davlat mablag'larini fond bozorlariga joylashtirishda ortiqcha mablag'larni boshqarish qisqa muddatli foiz stavkalaridagi ortiqcha beqarorlikka yo'l qo'ymaslik uchun ham katta ahamiyatga ega. Zahiralarning kamayishi stavkalarni oshirgan holda banklar o'rtasida raqobatni kuchaytiradi, ayni paytda, zahiraning me'yoridan ortiq bo'lishi narxlarni pasaytirgan holda ularni sotishga undaydi. Bunda prognozlar qanchalik aniq berilsa, sub'ektlar o'z operatsiyalarini shunchalik samarali amalga oshirishlari mumkin.

G'aznachilik mablag'lari qoldiqlari kutilmagan jiddiy o'zgarishlarining kunlik asosda sodir bo'lishi banklar tomonidan ushbu o'zgarishlarni boshqarishning qator vositalarini ishlab chiqishni taqozo etadi. Shuningdek, likvidlikni boshqarish va zahiralarni prognoz qilishda uzilishlarga yo'l qo'ymaslik uchun G'aznachilikning investitsiya siyosatidagi o'zgarishlar tufayli yuzaga kelgan imkoniyatli sarmoyadorlarning bank tizimiga ta'sirini ham o'rganish maqsadga muvofiqdir.

Davlat byudjetini uzluksiz mablag' bilan ta'minlashda davlat aktivlarini investitsiya qilish va boshqarish ham muhim rol o'ynaydi. Investitsiyalash uchta maqsadni ko'zlaydi: birinchidan, likvidlik; ikkinchidan, foyda olish; uchinchidan

esa bu xavfsizlik bo'lib, Davlat aktivlari xavfsizligi har doim birinchi o'ringa qo'yiladi.

Davlat aktivlarini investitsiya qilishning qonunchilik bilan mustahkamlanishi taqozo etiladi. Bu esa, o'z navbatida, investitsiya qilish va barcha investitsiya mablag'larini G'aznachilik boshqaruvida Markaziy bankda markazlashtirish va Markaziy bank bilan huquqiy munosabatlarni belgilab olib, bank muassasalarining investitsiya mablag'lariga raqobat tenderlarini o'tkazish imkoniyatlarni beradi (bu amaliyot ko'pgina xorijiy mamlakatlarda qo'llanilib kelinmoqda).

Xulosa qilib aytishimiz mumkinki, endigina dunyo g'aznachiligiga o'z tamoyillari bilan kirib kelayotgan rivojlanish yo'lidagi tizimlarga uning nafaqat davlat moliyasi, balki mamlakat iqtisodiyotining barqaror o'sishida o'z o'rniga ega bo'lishida yuqorida keltirilgan yo'nalishlar istiqbolli bo'lishi mumkin.

YUVENAL YUSTITSIYA: O'ZBEKISTON VA HORIJ TAJRIBASI

Boymirzayeva Raximaxon Xoshimjonovna

Namangan davlat universiteti Yuridik fakulteti katta o'qituvchisi. Namangan shahri, O'zbekiston Respublikasi.

Abduganiyev Temurbek Alimardon O'g'li

Namangan davlat universiteti Yuridik fakulteti 2- kurs talabasi. Namangan shahri, O'zbekiston Respublikasi.

Annotatsiya. Ushbu kichik tadqiqotda voyaga yetmaganlarning huquqlarini himoya qilishda mamlakatimiz va ayrim horijiy mamlakatlar qonunchiligida belgilab qo'yilgan normalar ko'rib chiqilgan. Maqolada o'rganish qaratilgan obekt bo'lib, so'nggi paytda "yuvnal yustitsiya" iborasi bilan tushuntirilayotgan mazkur masala yuzasidan O'zbekiston va horijiy mamlakatlarning tajribalarini tahlil etish. Bundan ko'zlangan maqsad voyaga yetmaganlarning ishlarini ko'rishda xalqaro standartlar va horijiy tajribani tahlil etish orqali sohaga tegishli taklif va tavsiyalar berishdir.

Kalit so'zlar: bola huquqlari, Jinoyat kodeksi, yoshlar muammolari, jinoyat protsessida voyaga yetmaganlar himoyasi, "qayta tiklovchi adolat".

Абстрактный. В данном небольшом исследовании были рассмотрены нормы, установленные в законодательстве нашей страны и некоторых зарубежных стран по защите прав несовершеннолетних. Объектом исследования в статье является анализ опыта Узбекистана и зарубежных стран по данному вопросу, что объясняется словосочетанием «ювенальная юстиция», Целью этого является предоставление актуальных предложений и рекомендаций на местах путем анализа международных стандартов и зарубежного опыта работы с несовершеннолетними.

Ключевые слова: права ребенка, Уголовный кодекс, проблемы молодежи, защита несовершеннолетних в уголовном процессе, «восстановительное правосудие».

Abstract. In this small study, the norms established in the legislation of our country and some foreign countries for the protection of the rights of minors were considered. The object of study in the article is the analysis of the experiences of Uzbekistan and foreign countries regarding this issue, which is recently explained by the phrase "juvenile justice. The purpose of this is to provide suggestions and recommendations to the field by analyzing international standards and foreign experience in dealing with minors.

Key words: children's rights, Criminal Code, youth problems, protection of minors in criminal proceedings, "restorative justice"

Hozirgi vaqtda yuridik fanda maxsus sub'ektni - voyaga etmaganlar bilan bog'liq huquqiy munosabatlarni tartibga soluvchi yangi huquq sohasini ajratib ko'rsatish takliflari tobora ko'payib bormoqda. Hayotning murakkablashishi bilan bog'liq holda, ilgari hal qilinmagan yangi huquqiy muammolar paydo bo'ladi. Shubhasiz, hozirgi davr talabidan va xalqaro standartlardan kelib chiqib,

mamlakatimiz qonunchiligida voyaga etmaganlarning himoyasi bo'yicha bir qator qonun[1] va qonunosti hujjatlari[2] qabul qilingan, biroq bu yetarli emas. Voyaga yetmaganlarning muammolarini bir qismi yoshlar bilan bog'liq. Yoshlar muammolari amaldagi qonunchilikda kutilayotgan o'zgarishlarni emas, balki tezkor aralashuvni talab qilsa-da, huquqning allaqachon shakllangan an'anaviy tarmoqlari voyaga etmaganlarning manfaatlaridan kelib chiqqan holda, voyaga etmaganlarning huquqlarini suiiste'mol qilishning oldini olish uchun ushbu munosabatlarni tartibga solish usuli majburiy bo'lishi kerak deb hisoblaydi.

Bolalar huquqlarini himoya qilishning samarali mexanizmlarini yaratishga qaratilgan mexanizmlardan biri bu balog'atga etmagan bolalarga nisbatan odil sudlovdur, ya'ni. voyaga etmaganlarga oid maxsus adliya tizimi. Voyaga etmaganlar odil sudlovining asosiy vazifasi nafaqat voyaga etmaganlar o'rtasidagi huquqbuzarlik to'g'risidagi ishlarni ko'rib chiqish emas, balki bolalar huquqlarini himoya qilishdir. Mamlakatimizda voyaga yetmaganlar ishlari bo'yicha fuqarolik, oila, jinoyat javobgarlik, ma'muriy javobgarlik sohalarida alohida yondoshuv mavjud. Voyaga yetmaganlarning ishlarini ko'rishla alohida sudlarni tashkil etish taklifi mamlakatimiz huquq sohasi vakillari, jaoatchilik va tadqiqotchilar tomonida ilgari surib kelinmoqda. Maxsus sudya bolalar muammolari bilan bog'liq barcha ishlarni ko'rib chiqqach, u voyaga etmaganlar jinoyatchiligiga sabab bo'lgan sabablarni yaxshiroq tushuna boshlaydi va yosh huquqbuzar shaxsining xususiyatlarini, uni jinoyat sodir etishga majbur qilgan holatlarni hisobga olishni boshlaydi.

Ijtimoiy o'zgarishlar sur'ati sezilarli darajada oshgan hozirgi vaqtda Jinoyat kodeksi nafaqat sodir etilgan jinoyatlarni jazolash, balki yuzaga kelishi mumkin bo'lgan ijtimoiy xavfli qilmishlarning oldini olishi ham zarur. Mamlakatimiz jinoyat qonunchiligida 2021 yil dekabrda o'zgarishlar jinoyat sub'ekt yoshi 13 yoshdan 14 yoshga keltirilganligi bejiz emas[3]. Biroq, amaliyotchilar hozirda jinoyatchilik yosharib borayotganligini bir necha statistik ma'lumotlarda ta'kidlamoqdalar. Shu sababli, bir qator mualliflar voyaga etmagan shaxs tomonidan ijtimoiy xavfli qilmish sodir etganda yoki unga qarshi jinoyat sodir etilganda yuzaga keladigan ijtimoiy munosabatlarni tartibga soluvchi va himoya qiluvchi jinoyat huquqi normalari tizimini o'rganishga harakat qiladilar.

Shaxs va jamiyat xavfsizligini ta'minlash maqsadida voyaga etmagan shaxsning shakllanishi va rivojlanishi jarayoni voyaga etmaganlarga oid siyosat ob'ektining xususiyatlariga qarab (masalan, uning tarkibida o'smirlar ustunlik qiladi), agar yoshlar ko'proq bo'lsa, ijtimoiy himoyaga e'tibor qaratish yoki (aksincha) to'liq samarali mehnat faoliyati uchun qulay shart-sharoitlarni yaratish mumkin. Bu, shuningdek, multivariantlikni shakllantirish, ma'lum bir hududda ma'lum bir davr uchun vaziyatlarning xilma-xilligini hisobga oladigan balog'atga etmaganlarga oid siyosatning turli modellarini yaratish uchun real shart-sharoitlarni keltirib chiqaradi. Voyaga etmaganlarga oid amalga oshirilayotgan siyosatning samaradorligi hozirgi yosh avlodning sifatini, uning jamiyatni

rivojlantirish strategiyasini amalga oshirish uchun mavjud va zarur standartlarga muvofiqligini (mos kelmasligini) belgilaydi.

Voyaga etmaganlarga oid siyosat voyaga etmaganlarga oid qonunchilikka asoslanishi kerak. Shuni ta'kidlash kerakki, qo'llanilgan tushunchalar nafaqat bolalar va o'smirlar o'rtasidagi huquqbuzarlik muammolari bilan shug'ullanadigan voyaga yetmaganlar ishlari bo'yicha sudyaning ixtisosligini oshirish zarurligini anglatadi. Bola uchun maqbul yo'l va pirovard natijada jamiyat uchun juda jiddiy muammolarni hal qilish yo'lini izlashda uyg'un birlashtirilgan huquqiy va ijtimoiy-psixologik tuzilmalarning butun majmuasini shakllantirishning ahamiyati muhimdir. Bular nafaqat bolaning o'zi, uning atrof-muhit muammolari, nafaqat bugungi kunning muammolari – bular jamiyatimiz kelajagining muammolari. Voyaga etmaganlar jinoyat huquqida - "qayta tiklovchi adolat" huquqiy tushuncha mavjud. Uning negizida jazo emas, balki jinoyat sodir etgan shaxs va jabrlanuvchini yarashtirish, jinoyat tufayli yetkazilgan zararni qoplash g'oyasi yotadi. Voyaga etmaganlar huquqi voyaga etmaganlar huquqbuzarliklari va jinoyatlariga qarshi choralar ko'rish yo'llarini izlash natijasida vujudga keladi. Badanga engil va o'rtacha og'irlikdagi shikast yetkazilganda yarashuv juda maqbul ko'rinadi. "Qayta tiklovchi adolat"ning maqsadi ozodlikdan mahrum qilish ulushini yanada kamaytirish, ushbu jazoga hukm qilingan shaxslar sonini kamaytirish yo'nalishida jazo samaradorligini oshirishdan iborat.

Agar biz borada mamlakatimizdagi huquqiy normlarimizni horijiy mamlakatlarni tajribalari bilan taqqoslasak, huquqiy normalarning bo'shliqlarini to'ldirish imkoni paydo bo'ladi. Horijiy mamlakatlarda voyaga yetmaganlarning ishlarini alohida ko'rish tajribasi katta tajriba va yutuqlarga egadir.

Germaniyada voyaga etmaganlarga oid adliya rivojlanishning uzoq tarixiy yo'lini bosib o'tdi. Germaniya 1923 yilda voyaga etmaganlar sudlari to'g'risidagi qonunning (Jugendgerichtsgesetz) qabul qilinishi bilan zamonaviy ko'rinishga ega bo'ldi. Qonunni qabul qilishning asosiy sabablari, birinchi navbatda, Germaniya uchun Birinchi Jahon urushidagi mag'lubiyatning eng og'ir oqibatlari, urushdan keyingi vayronalar, ko'plab uysizlar va voyaga etmagan jinoyatchilar va boshqalardir. Voyaga etmaganlar jinoyat huquqining asosiy manbalari federal va er konstitutsiyalari, shuningdek, yuqorida aytib o'tilgan, "Voyaga etmaganlar sudlari to'g'risida"gi qonundir. Yuvenal Yustitsiya tizimining asosiy xarakteristikallari quyidagilardan iborat: voyaga etmaganlar ishlari bo'yicha maxsus sudlar tomonidan sud ishlarini yuritishni amalga oshirish; muqobil jazolarning ustuvorligi (minimal aralashuv); vositachilik va tiklovchi adolat ustuvorligi; ta'limga oid davlat sanksiyalarining ustuvorligi; oxirgi chora sifatida hibsga olish (eng qisqa muddat - 6 oydan 5 yilgacha, istisno hollarda esa 10 yilgacha); voyaga etmaganlarga oid ishlarni umumiy kattalar sudida ko'riladigan, hatto eng og'ir holatlarda ham mutlaqo istisno qilish.

Frantsiyada 1912 yilda birinchi ixtisoslashtirilgan voyaga etmaganlar sudi tashkil etildi. Ammo undagi sudyalarning balog'atga etmaganlar ishlariga ixtisoslanmagan oddiy sudyalarning edi. O'sha yili voyaga etmaganlarni nazorat ostida

kuzatishdan iborat maxsus jazo chorasi belgilandi. Birinchi voyaga etmaganlar sudi 1914 yilda butun Fransiyada zamonaviy ma'noda ixtisoslashgan sudyalarga ega bo'lgan voyaga etmaganlar ishlari bo'yicha sudlar tizimini tashkil etish bilan 1945 yil fevral oyidan boshlanadi.

Fransiyada Yuvenal yustitsiyaning asosiy xarakteristikasini quyidagilarda ko'rish mumkin:

1. Jazo, jazo choralaridan ko'ra tarbiyaviy chora-tadbirlarni afzal ko'rish;
2. Psixologiya, huquqbuzarlik sodir etgan voyaga yetmagan shaxsning shaxsiyati bilan chuqur tanishish;
3. Faqat voyaga yetmaganlar ishini ko'rishi lozim bo'lgan sudyalarning ixtisoslashuvi.

Anglo-sakson modeliga asoslangan Buyuk Britaniyaning Yuvenal Adliya tizimi voyaga etmaganlar o'rtasida huquqbuzarliklarning oldini olish g'oyasiga asoslangan bo'lib, bu mamlakatni yiliga 80 million funt sterlingni tejash imkonini beradi. Buyuk Britaniyada AQShda ilk bor shakllangan balog'atga etmagan bolalar adliyasi g'oyalaridan foydalangan holda 1908-yilda bolalar va yoshlar to'g'risidagi qator qonunlar qabul qilinganda ishlab chiqilgan. Buyuk Britaniyada xavf ostida bo'lgan o'smirlarning jinoyatchiligini oldini olish va ular bilan ishlash bosqichida quyidagi imkoniyatlar mavjud: 8 yoshdan 17 yoshgacha bo'lgan shaxslar uchun yoshlarni qamrab olish dasturi ishlab chiqilgan. Dastur mamlakatning eng jinoiy "faol" 110 ta hududida ishlaydi. Dastur yoshlarga ta'lim darajasini oshirish, yangi ko'nikma va ko'nikmalarni egallash, kasb tanlashda ko'maklashish imkonini beradi. Yuvenal Yustitsiya sub'ektlarining yoshi 8-17 yosh. Jinoiy jazo 14-17 yoshli jinoyatchilarga nisbatan qo'llanilishi mumkin. Agar voyaga etmagan shaxs birinchi marta yoki takroran jinoyat sodir etsa, lekin aybini tan olsa, u bilan politsiya yoki mahalliy xizmatlar shug'ullanadi va u sud orbitasiga tushmaydi. Politsiya va mahalliy hokimiyat organlari bunday o'smirga qarshi turli "buyruqlar" tizimi va "kelishuv tizimi"dan foydalanadi. Qo'llaniladigan jazo turlari: tanbeh, yakuniy ogohlantirish, maqbul xatti-harakatlar to'g'risida kelishuv, g'ayriijtimoiy xatti-harakatlarni to'xtatish to'g'risida buyruq (ma'lum joylarga borishni, ma'lum odamlar bilan uchrashishni taqiqlash), mahalliy uy qamog'i (16 yoshga to'lmaganlarga nisbatan qo'llaniladi: ularga uydin chiqib ketish taqiqlanadi. Shaxsiy reabilitatsiya rejasi, ixtisoslashtirilgan markazda mashg'ulotlarga borish to'g'risidagi buyruq, jarima, shartli jazo va boshqalar qo'llaniladi. Agar jinoyat og'ir bo'lsa yoki takroran sodir etilgan bo'lsa, u holda balog'atga etmaganlar uchun adliya mashinasi "ishlaydi".

Umuman olganda yuqoridagilardan kelib chiqib quyidagi taklif va tavsiyalarni bildirishni joiz topdik:

Birinchidan, mamlakatimizda voyaga yetmaganlar ishlari bo'yicha Adliya tizimini tashkil etish, bunda voyaga yetmaganlar bilan ishlaydigan ta'lim tizimi va ichki ishlar tizimining faoliyatidagi tajribalarni umumlashtirish;

Ikkinchidan, qarovsiz qoldirilgan voyaga yetmaganlarni real holatda aniqlash va nazoratga olish;

Uchinchidan , voyaga yetmaganlarni uzluksiz ta'lim olishini ta'minlaydigan alohida Yuvenal Adliya tizimida davomat inspektorlarini shtatlarini joriy etish;

To'rtinchidan, voyaga yetmaganlarning ma'muriy, jinoiy ishlarini yurituvi va sudlovligini alohida tartibda tashkil etish,prfessionallashtirish;

Beshinchidan, voyaga yetmaganlarni ishlari tegishli bo'lgan qonun va qonunosti hujjatlarini tahlil etish va tegishli o'zgartirishlar kiritish.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasining Bola huquqlarining kafolatlari to'g'risida" gi QONUNI.2008 yil 7 yanvar. O'zbekiston Respublikasining "Vasiylik va homiylik to'g'risida"gi Qonuni. 2014 yil 2 yanvar.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Bola huquqlari kafolatlarini yanada kuchaytirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" gi 2019 yil 22 apreldagi PQ-4296-sonli Qarori.
3. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat Kodeksi.17- moddasi.

ОПЦИОНШАРТНОМАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КОНСТРУКЦИЯСИ ВА ДАСТЛАБКИ ШАРТНОМА

Файзуллаев Мухриддинхон Садриддинович

Мустақил тадқиқодчи, GSI Uzbekistan Уюшмаси юрисконсулти

Аннотация. Муаллиф томонидан фуқаролик муомаласида опцион шартномасидан фойдаланиш масалалари, унинг предмети, келажакдаги истиқболлари, шартнома тузиш учун опцион юбориш тартиб-таомиллари юзасидан хориж тажрибаси ўрганилган ва буни миллий қонунчиликда қўлланилиши юзасидан изланиш олиб борилди.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, шартнома, дастлабки шартнома, опцион шартномаси, тартиб-таомиллар, фуқаролик муомаласи, оферта, махсус структура.

Аннотация. Автором изучен зарубежный опыт по вопросам использования опционного договора в гражданском обороте, его предмет, перспективы на будущее, процедуры направления опциона на заключение договора, а также проведено исследование по его применению в гражданском законодательстве Республики Узбекистан.

Ключевые слова: Гражданский кодекс Республики Узбекистан, договор, предварительный договор, опционное соглашение, опцион на заключение договора, процедуры, гражданский оборот, оферта, специальная структура.

Abstract. Regarding the issues of the use of option contracts in civil transactions, their subject, future prospects, and processes for sending options to draft contracts, foreign experience was reviewed by the author and study was done on its use in national legislation.

Key words: Contract, initial contract, option contract, processes, civil treatment, offer, special structure; Civil Code of the Republic of Uzbekistan.

Опцион шартномаларига ўхшаш битимлар қадим замонлардан бери қўлланилган. Биринчи таниқли опционни қўллаган харидор қадимги юнон математиги ва файласуфи милетлик Фалес бўлган. Ўша пайтларда муайян вазиятларда мавсумдаги зайтун ҳосили одатдагидан каттароқ бўлиши тахмин қилинган ва шуни ҳисобга олган ҳолда, у кейинги баҳорда бир қатор зайтун ҳосилларидан фойдаланиш ҳуқуқини олдинроқ қўлга киритган. Баҳор келганида ва зайтун ҳосили кутилганидан каттароқ бўлганида, у ўз имкониятларини қўллаган ва кейин зайтун ҳосилларини опцион учун сарф қилган маблағларидан кўра кимматроқ пуллаган³.

Шунингдек, 1688 йилги “Чалкашлик”лар китобида Амстердам фонд биржасидаги “опцион” савдолари шундай тасвирланади: “Сиз учун фақат

³Mattias Sander. Bondesson's Representation of the Variance Gamma Model and Monte Carlo Option Pricing. Lunds Tekniska Högskola 2008.

чекланган хавфлар бўлади, даромад еса сизнинг барча тасаввурларингиз ва умидларингиздан ошиб кетиши мумкин⁴”.

Опцион молиявий инструмент сифатида 1690-йилларда Англияда савдосотикда қўлланилган. Ҳозирда ғарб мамлакатларида опцион кўчмас мулк олди-сотдисиди, корпоратив акцияларнинг айланмасиди, кинофилм саноатида, масалан, кино ёки театр продюссерлари кўпинча маълум бир китоб ёки сценарийни драматизация қилиш ҳуқуқини берадиган опционни сотиб олишади, лекин бундан фойдаланиш мажбурият бўлмайди. Кредит линияларида опцион потенциал қарз олувчига белгиланган муддат ичида қарз олиш ҳуқуқини беради, лекин бу ҳам мажбурият бўлмайди.

Америка Қўшма Штатлари шартнома ҳуқуқи Кодекси (Иккинчи) 25-параграфида опцион шартномаси: “шартнома тузиш талабларига жавоб берадиган ва ваъда берувчининг таклифни қайтариб олиш ҳуқуқини чеклайдиган ваъда” деб таърифланади⁵. Америка қонунчилигидаги опцион шартномасининг моҳияти шундан иборатки, акцепт қабул қилувчи таклифни қабул қилиб, назарда тутилган қонуний аҳамиятга эга ҳаракатларни бажариши (ёки уларни бажаришдан тийилиши) шарт, шу билан оферта юборувчининг таклифни қайтариб олмаслик мажбуриятини келтириб чиқаради. Шу муносабат билан, агар учта таркибий қисм мавжуд бўлса, опцион шартномаси тузилган деб ҳисобланиши керак, булар: таклиф, қабул қилиш ва қарши таъминот (consideration).

Опцион битимларининг энг батафсил тузилиши Германия фуқаролик доктринасида ўрганилган. Опцион шартномаси (Options-vertrag) ва унинг асосида тузилган асосий шартнома (Hauptvertrag) нисбатига турли ёндашувларни назарда тутувчи иккита батафсил назария мавжудлигидан далолат беради.

1. Шартномаларнинг бўлиниши назариясига кўра (Trennungstheorie), опцион шартномаси мустақил шартномадир, лекин айна пайтда у тайёргарлик характерида эга бўлиб, потенциал қабул қилувчига (иккинчи ҳуқуқ эгаси) бир томонлама ўз хоҳиши орқали асосий шартномани кучга киритиш имкониятини беради. Бунда секундар ҳуқуқ кўриб чиқиладиган назариянинг асосидир. Шундай қилиб, субъектив иккинчи ҳуқуқни амалга ошириш томонларнинг ҳуқуқий позициясига бевосита таъсир қилади, уларни ўзгартиришга мажбур қилади. Шартномаларнинг бўлиниши назариясига кўра, опцион шартномасида асосий шартноманинг барча муҳим шартлари бўлиши керак.

2. Ягона шартнома назарияси (Einheitstheorie) ихтиёрий мавжудлигига асосланган (иккинчи) таклифни ўз ичига олган ягона шартнома бўйича фаолиятини талаб қилиш ҳуқуқи (Angebotsvertrag), қайсики бу ҳақида томонлар илгари келишувга эришган. Шунингдек, опцион шартномасининг

⁴Teresa Corzo, Margarita Prat & Esther Vaquero (2014) Behavioral Finance in Joseph de la Vega's Confusion de Confusiones, Journal of Behavioral Finance, 15:4, 341-350, DOI: 10.1080/15427560.2014.968722

⁵Midland Bank Trust Co. Ltd. Vs Green (1981) AC 513, (1981) 1 All ER 153, (1981) 2 WLR 28, 42 P&CR 201 (44 CLJ 284). URL: <http://e-lawresources.co.uk/Land/Midland-Bank-v-Green.php>

мазмунига оферта юборувчи белгиланган муддатда офертанинг мажбурийлигига риоя қилиш мажбуриятини олиши ва компенсация тўлаш мажбуриятини олиши шarti (Бингунгсенгелт) киритилган бўлади. Шундай қилиб, ваколатли шахс опцион ҳуқуқига эга бўлади, унинг бажарилиши асосий шартномани тузишга олиб келади.

Миллий қонунчилигимизда ҳам опцион шартномасининг ўхшаш конструкцияси келтириб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 361-моддасига кўра дастлабки шартнома бўйича тарафлар келгусида мол-мулк бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ҳақида дастлабки шартномада назарда тутилган шартлар асосида шартнома тузиш (асосий шартнома) мажбуриятини оладилар⁶.

Дастлабки шартнома асосий шартнома учун белгиланган шаклда, бордию, асосий шартноманинг шакли аниқланмаган бўлса, ёзма шаклда тузилади. Дастлабки шартноманинг шакли тўғрисидаги қоидаларга риоя қилмаслик унинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Дастлабки шартномада асосий шартноманинг нарсасини, шунингдек бошқа муҳим шартларини белгилаб қўйиш имконини берадиган шартлар бўлиши керак.

Дастлабки шартномада тарафлар қанча муддатда асосий шартномани тузиш мажбуриятини олиши кўрсатилади. Агар дастлабки шартномада бундай муддат белгилаб қўйилган бўлмаса, асосий шартнома дастлабки шартнома тузилган пайтдан бошлаб бир йил ичида тузилиши шарт.

Агар тарафлар асосий шартномани тузишлари лозим бўлган муддатнинг охиригача у тузилмаса ёки тарафларнинг биронтаси ҳам иккинчи тарафга ана шундай шартнома тузиш ҳақида таклиф юбормаса, дастлабки шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бекор бўлади.

Фуқаролик кодексидagi шарҳларда дастлабки шартномага қўйидагича таъриф берилади: “Дастлабки шартноманинг нарсаси келгусида асосий деб аталувчи бошқа шартномани тузишдан иборатдир. Бинобарин, асосий шартнома тузилиши билан дастлабки шартномадан кўзда тутилган мақсадга эришилади. Ўз навбатида, мазкур асосий шартноманинг нарсаси мол-мулк бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишдан иборат Дастлабки шартномага қўйиладиган бош талаблардан бири сифатида қонунда шартноманинг шакли ажратиб кўрсатилади, яъни унинг шакли келгусида тузиладиган шартноманинг шаклида бўлиши зарур. Масалан, асосий шартноманинг нарсаси агар кўчар мулкни бошқа шахсга рента тўлаш асосида ўтказилишидан иборат бўлса, дастлабки шартнома ҳам ФКнинг 513-моддаси талабига мувофиқ, нотариал тасдиқланган бўлиши шарт. Агар асосий шартноманинг шакли белгиланган бўлмаса, ҳар қандай ҳолатда ҳам дастлабки шартнома ёзма шаклда тузилиши шарт.

⁶Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси 1-қисм — Қонунчилик маълумотларимиллий базаси (<https://lex.uz/docs/111189>)

Шунингдек, дастлабки шартнома қандай шартлардан таркиб топиши зарурлиги ҳам белгилаб қўйилган. Бу асосий шартноманинг нарсасини, шунингдек, бошқа муҳим шартларини белгилаб қўйиш имконини берадиган шартлар, яъни уларсиз асосий шартнома тузилган деб ҳисобланиши мумкин бўлмаган шартлардир. Дастлабки шартномага тарафларнинг ихтиёрига мувофиқ асосий шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни белгилаш ва бажаришга оид бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин. Шу тариқа дастлабки шартнома асосий шартнома билан чамбарчас боғлиқдир. Умумий қоидага кўра, дастлабки шартномада тарафлар асосий шартномани тузиш муддатини кўрсатиб қўядилар. Агар у ёки бу сабабларга кўра бу ишни бажармаган бўлсалар, дастлабки шартнома тузилганидан кейин бир йил ичида асосий шартнома тузилиши шарт. Бу ҳолда, агар кўрсатилган муддатлар тугагунча асосий шартнома тузилмайдиган бўлса ёки тарафлардан биронтаси иккинчи тарафга ана шундай шартномани тузиш тўғрисида таклиф юбормаса, дастлабки шартномада кўзда тутилган мажбуриятлар бекор бўлади. Шунга эътибор қилиш керакки, агар кўрсатилган муддатлар ичида тараф тегишли таклифни юборишга улгурса-ю, аммо асосий шартномани тузиш таомили чўзилиб кетса ва натижада кўрсатилган муддат ўтказиб юборилса, дастлабки шартнома токи асосий шартнома тузилгунча кучда қолаверади. Дастлабки шартнома шартномавий алоқаларнинг мустақамланишига кўмаклашади, у келгусида асосий шартномани тузишнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади. Тарафлардан бири асосий шартномани тузишдан асоссиз равишда бўйин товласа, бошқа тараф суд тартибида бўйин товлаётган тарафни мажбурий тарзда шартнома 763 26-боб. Шартнома тушунчаси ва шартлари тузиш ва ўзига асоссиз бўйин товлаш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб этишга ҳақлидир⁷”.

Лекин шундай бўлсада, фикримизга кўра, миллий фуқаролик ҳуқуқи фанимизда опцион шартномасини тузиш механизми етарли даражада ўрганилмаган. Хусусан, унинг масаласи ҳуқуқий табиати ҳали ҳал қилинмаган. Қонунчилигимизда бу ҳуқуқий конструкция ўз аксини топмаган.

Бундан ташқари, хориж юридик адабиётларда ҳам ушбу масала бўйича кизгин мунозаралар мавжуд.

Иқтисодиётда опцион шартномалари шартнома назарияси соҳасида муҳим рол ўйнайди. Жумладан, Oliver Харт⁸ (1995, п. 90) опцион шартномалари ушланиб қолиш муаммосини юмшатиши мумкинлигини кўрсатади (инвестицияларнинг аниқ даражаси шартномада кўрсатилмаганда юзага келадиган инвестиция муаммоси).

⁷Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси га шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: «Vektor-Press», 2010.– 816 б.–(Профессионал (малакали) шарҳлар).

⁸Hart, Oliver (1995). Firms, contracts, and financial structure. Clarendon Press.

Бироқ, шартнома назариясида шартномавий томонлар келажакдаги қайта музокараларни истисно қила олмасалар, опцион шартномалари ҳали ҳам фойдали бўладими-йўқми деган мунозаралар мавжуд⁹.

Мутахассислар томонидан “опцион келишувини алоҳида ҳуқуқий шартнома эмас, у ҳуқуқий механизм сифатида асосий шартномадан алоҳида мавжуд бўла олмайди¹⁰” деган қарашлар мавжуд. Бунда тадқиқотчилар бу опцион асосий шартноманинг ажралмас қисми эканлигига ишонишади, шунинг учун уни опцион эгасига танлаш ҳуқуқини бериш орқали асосий шартномани тузишнинг “махсус” (таклифни қабул қилиш орқали шартнома тузиш ёки қабул қилишдан бош тортиш) усули деб таърифлайдилар.

Юқоридаги позицияга опцион шартномаси пайтида асосий шартнома ҳали мавжуд эмаслиги сабабли қўшилмаслик мумкин. Бундан ташқари, агар ваколатли томон келишилган муддат ичидашартномани акцептламаса, ўз ҳуқуқидан фойдаланмаса асосий шартнома умуман имзоланмаслиги мумкин. Бундан хулоса қилиш мумкинки, опцион шартномаси имзоланиши лозим бўлган асосий шартномадан алоҳида бўлган механизм ҳисобланади.

Бошқа мутахассисларнинг қайд этишича опцион дастлабки шартнома ҳисобланади. Бу фикрнинг асосида опцион ва дастлабки шартноманинг умумий белгилари борлиги билдирилади. Бунда шартномаларнинг ташкилий сифати биринчи ўринга қўйилади.

Фуқаролик ҳуқуқида ташкилий шартномаларга қуйидагича таъриф берилади: Ташкилий шартномалар бу томонлар ўртасида мол-мулк олди-сотдисини расмийлаштиришни мақсад қилмайдиган, томонлар ўртасида келажакдаги содир бўлиши мумкин бўлган фуқаролик ҳуқуқи объектларни бегоналаштириш ёки қабул қилиш бўйича маълум бир муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш учун ишлатиладиган шартномалар тушунилади.

Дастлабки шартнома ва шартнома тузиш учун опцион келишуви ўртасидаги бошқа фарқларга қуйидагилар кириши мумкин:

1. Дастлабки келишув фақат ташкилий характердаги мажбуриятнинг пайдо бўлиши учун асосдир: у қарши мулкый топширишлар бўйлишини назарда тутмайди.

Опцион келишуви ҳам ташкилий, ҳам мулкый характердаги мажбурият учун асосдир. Яъни Шартнома тузиш учун опцион келишуви ҳақ эвазига ва ёки маълум бир ҳуқуқни тақдим этиш табиатига эга.

2. Дастлабки шартнома иккала томонни ҳам асосий шартномани тузишга боғлайди, лекин опцион фақат таклиф қилувчини боғлайди, потенциал қабул қилувчига эса асосий шартномани тузиш ҳуқуқи берилади, аммо бу мажбурият ҳисобланмайди.

9 Lyon, T. P.; Rasmusen, E. (2004). "[Buyer-Option Contracts Restored: Renegotiation, Inefficient Threats, and the Hold-Up Problem](#)" (PDF). Journal of Law, Economics, and Organization. 20 (1): 148-169. doi:10.1093/jleo/ewh027. ISSN 8756-6222.

¹⁰Бородкин В. Г. Опционный договор в проекте изменений в Гражданский кодекс // Московский юрист. 2013. № 2. С. 78–88.

3. Дастлабки шартнома моделини танлашда, асосий шартномани тузишдан бўйин товланган тақдирда, суд томонидан мажбурлаш механизми қўлланилиши мумкин. Опционни амалга оширишда асосий шартнома қайтариб бўлмайдиган таклифни қабул қилгандан сўнг автоматик равишда тузилади. Шундай қилиб, шартнома тузиш учун опцион келишуви табиатан дастлабки шартнома ҳисобланмайди.

Опцион махсус шартнома механизми бўлиб, ушбу шартнома тузилмаларининг ўзига хослиги шундаки, улар шартномаларнинг анъанавий таснифларига мос келмайди, улар бир махсус шартнома тузилмасига хос бўлган зарур хусусиятларга эга бўлган шартнома мажбуриятларининг деярли ҳар қандай турларига нисбатан қўлланилиши мумкин.

Опцион бир томонга бир томонлама ҳуқуқ берилганлиги билан тавсифланади, иккинчи томон келишилган муддат ичида ваколатли томоннинг қарорини кутишга мажбур бўлади. Юқоридаги таъриф ушбу шартномавий механизмдан фойдаланиб, деярли ҳар қандай турдаги фуқаролик шартномасини тузиш мумкинлигини кўрсатади, масалан, етказиб бериш шартномасини тузиш имконияти, сотиб олиш шартномасини тузиш имконияти ва бошқалар.

Лекин опционнинг бир нечта камчиликлари ҳам мавжуд. Опцион механизмларининг бундай шакли томонлар учун энг мақбул шаклни танлашни талаб қилади. Шунинг учун тутиш керакки, ушбу танлов турли хил ҳуқуқий оқибатларга олиб келади, шу жумладан опцион ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш, опцион берилган тақдирда, опцион шартномаси шартларини бажармаслик, бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш йўллари ва механизмлари ишлаб чиқилиши лозим.

Опционнинг ҳуқуқий табиатини тўлиқроқ тушуниш учун иккинчи ҳуқуқ яъни ҳуқуни вужудга келтирувчи ҳуқуқ тушунчасига (секундар ҳуқуқ) мурожаат қилиш керак.

“Секундар ҳуқуқ” (gestaltungsrechte) конструкциясини 1903 йилда Берлинда ушбу мавзу бўйича монография нашр этган немис цивилисти Е. Зеккел таклиф қилган. Кейинчалик у яратган назария немис фуқаролик қонунчилигида ҳукмронлик қилди. Секундар ҳуқуқларни субъектив ҳуқуқларнинг алоҳида тури сифатида тан олган Е. Зеккел уларни “бир томонлама битим орқали муайян ҳуқуқий муносабатларни ўрнатиш имкониятини яратадиган ҳуқуқлар деб таърифлаган¹¹”.

Секундар ҳуқуқ ўзига хослиги шундаки, у контрагентнинг ҳаракатлари ҳисобига эмас, ваколатли томоннинг ўз ҳаракатларига боғлиқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда, контрагентнинг мажбурияти у билан боғлиқ бўлмайди. Секундар ҳуқуқ фақат контрагентнинг ҳаракатларини “боғлайди” ва бу “боғлиқлик” иккинчи томоннинг тўғри хатти-ҳаракатларида, яъни контрагентнинг таклифни қабул қилишини кутиши ва учинчи шахслар билан

¹¹Вакулина Г.А. “О секундарных правах в науке гражданского права РОССИИ” // Фундаментальные исследования. – 2008. – № 11. – С. 60-61;

асосий шартнома тузишдан бош тортиши зарурлигида ифодаланади. Шу билан бирга, контрагентнинг тўғри хатти-ҳаракати секандар ҳуқуқи билан бевосита боғлиқ бўлмайди.

Опцион учун ҳақ тўланади. Лекин опцион текинга бўлиши ҳам мумкин. Опционнинг яққол мисоли Россия Федерацияси Фуқаролик кодекси 429-2 ва 429-3 моддаларида¹² ўз аксини топган.

Масалан, Россия Федерацияси Фуқаролик кодекси 429-2 моддасига кўра шартнома тузиш опциясини бериш тўғрисидаги шартнома асосида бир томон қайтариб бўлмайдиган таклиф орқали бошқа томонга опционда назарда тутилган шартларда бир ёки бир нечта шартнома тузиш ҳуқуқини беради. Шартнома тузиш опционни ҳақ эвазига ёки қарши таъминот эвазига, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шу жумладан тижорат ташкилотлари ўртасида тузилиши мумкин. Бошқа томон бундай таклифни опционда назарда тутилган тартибда, вақтда ва шартларда қабул қилиб, шартнома тузишга ҳақли.

Шартнома тузиш опционда қабул қилиш фақат бундай опцион билан белгиланган шарт пайдо бўлганда, шу жумладан томонлардан бирининг иродасига қараб кўрсатилиши мумкинлиги белгиланган.

Масалан, Россия Федерацияси Фуқаролик кодекси 429-3 моддасида опционга қуйидагича таъриф берилади: Опцион шартномасига биноан, бир томон, ушбу шартномада назарда тутилган шартларда, шартномада белгиланган муддатда, бошқа томондан опцион шартномасида назарда тутилган ҳаракатларни (шу жумладан пул тўлашни, мулкни топшириш ёки қабул қилиш) амалга оширишни талаб қилишга ҳақлидир ва худди шу тарзда вақт, агар ваколатли томон белгиланган муддат ичида даъво қилмаса, опцион шартномаси бекор қилинади. Опцион шартномасида опцион шартномаси бўйича даъво бундай шартномада белгиланган ҳолатлар юзага келганда талаб қилинган деб ҳисобланиши мумкин.

Опцион шартномаси бўйича даъво қилиш ҳуқуқи учун томон бундай шартномада назарда тутилган пул миқдорини тўлайди, лекин қуйидагиларбундан мустасно: агар опцион шартномасида шу жумладан тижорат ташкилотлари ўртасида тузилган опционда, унинг беғаразлигини назарда тутган ҳолатлар ёки агар бундай шартнома томонларнинг муносабатларидан келиб чиқадиган қонуний ҳимояланган манфаатлар ёки бошқа мажбурият билан боғлиқ бўлса.

Опцион шартномасига ўз эгасига маълум миқдордаги акцияни ёки активни маълум бир санада ёки ундан олдин маълум нархда сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини берадиган келишув деб таърифлаш мумкин. Хўш опцион шартномасига нима киради?

¹² "Гражданский кодекс Российской Федерации (часть первая)" от 30.11.1994 N 51-ФЗ (ред. от 25.02.2022) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.09.2022)
http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_5142/f7eff6cea3ee262cd97814d84d8780fe8e825462/

Опцион шартномаларида одатий шартнома элементлари мавжуд бўлади, жумладан:

- Биринчи томондан қилинган таклиф;
- Таклифни қабул қилиш;
- Таъминот (маълум ҳақ, мол-мулк, ҳуқуқ ва бошқ.);
- Томонларнинг ўзаро муносабати;
- Шартнома тузиш учун томонларнинг ҳуқуқий лаёқати;
- Қонуний қабул қилинадиган шартлар;

Опцион шартномаси одатда қуйидаги қўшимча элементларни ўз ичига олади:

- Асосий хавфсизлик;
- Опцион тури;
- Шартномада иштирок этувчи товар ёки ҳуқуқ;
- Шартноманинг юридик кучга кириш санаси;
- Келишилган ҳақ миқдори;
- Шартноманинг амал қилиш муддати;

Европа давлатлар ва АҚШда кўпгина компаниялар, айниқса бошланғич компаниялар ва кичик корхоналар ўзларининг имтиёзлар пакети бир қисми сифатида опцион шартномаларини имзоланишни таклиф қилишади. Опцион шартномалари ходимларга ўз компаниясининг акцияларини жуда чегирмали нархда сотиб олиш имкониятини беради.

Бундай шакл иш берувчи учун ҳам, ходим учун ҳам афзалликларга эга. Ҳам бизнес, ҳам ходим компания акциялари қимматлашишига умид қилади, бу эса ходимга ва раҳбариятга режаларни амалга ошириш учун кўп меҳнат қилишга туртки беради.

Бир қанча мутахассислар томонидан опцион шартномаларининг мукамал эмаслиги, амалдаги қонунчиликда тўлиқ тартибга солинмаганлиги туфайли уларнинг фойдасизлигини қайд этиб ўтишади.

Лекин, опцион шартномалари томонларнинг шартномавий музокаралардаги кўплаб ушланиб қолиш, вақт чўзилиши, шартнома шартларини қайта кўриб чиқиш, вақтдан ютиш каби муаммоларини ҳал этиши мумкин. Бунда ушбу шартномаларда барча деталларни тўлиқ таҳлил қилиш, муддатларни ва қоидаларни аниқ белгилаб олиш лозим бўлади.

Бундан ташқари ҳуқуқий жиҳатдан опцион шартномалари ва шартнома тузиш учун опцион тушунчаларини ҳам амалда фарқлаб олиш лозим.

Шартнома тузиш учун опционнинг предмети бу асосий шартномани тузиш ҳуқуқи ҳисобланади. Яъни, опцион -бу асосий шартнома тузиш ҳуқуқини сотиш бўйича махсус келишувдир.

Опцион шартномасибу ҳақ эвазига маълум бир сабабларга кўрамаълум ҳолатларнинг амалга оширилишини кечиктириш шarti билан тузилган ҳар қандай шартнома ҳисобланади.

Шундай қилиб, асосий фарқ шундаки, опционда шартнома тузиш ҳуқуқига сотиб олинади ва опцион шартномасида – тузилган шартнома

бўйича талаб (даъво) ҳуқуқи олинади. Ушбу иккала ҳолатда ҳам томонлар тарафидан қабул қилинадиган ҳолат бу кутиш ҳуқуқидир. Бунда маълум бир муддат ичида шартнома шартларининг аниқлиги ҳолати ҳисобланади.

Ушбу шартномалар орасидаги биринчи ва энг муҳим фарқ уларнинг предмети бўлиб ҳисобланади. Шартнома тузиш опционининг предмети бир ёки бир нечта асосий шартнома тузиш талаби, опцион шартномаси эса опцион шартномасида назарда тутилган ҳаракатларни бажариш талабидир.

Кейинги фарқ сифатида, шартнома тузиш опциона мустақил шартнома тузилмаси бўлиб, у қайтариб бўлмайдиган таклифни қабул қилганда бир ёки бир нечта янги шартномалар (олди-сотди, ижара, етказиб бериш ва бошқалар) пайдо бўлишига олиб келади.). Шу билан бирга, агар бундай шартноманинг мазмунидан бошқача қоидалар келиб чиқмаса, шартнома тузиш опциони бошқа шартномага киритилиши мумкин.

Опцион шартномаси, аксинча, алоҳида шартнома тузилишини ўз ичига олмайди ва томоннинг иродаси натижасида алоҳида шартноманинг пайдо бўлишига олиб келмайди, чунки контрагентлар аллақачон шартнома доирасида (сотиб олиш ва сотиш, бартер, шартнома ва бошқ.) ва бир томоннинг иродаси фақат маълум шартларда олдин мавжуд бўлган шартноманинг кучга киришига ҳисса қўшади.

Опцион шартномаларининг субъектлари яъни томонлари “опцион харидори” ва “опцион сотувчиси” деб номланади. Шартнома тузиш опциониди томонлар таклиф қилувчи (оферент) ва қабул қилувчидир (акцептант).

Масалан, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексида ушбу иккала норма алоҳида тушунчалар сифатида қайд этилган. Бундай икки шаклга ажратилишининг нима кераги бўлиши мумкин? Бизнингча, бу бўлиниш кутиш ҳуқуқининг айланмасида бўлиши мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам томонлар маълум бир ҳуқуқий алоқага киришишга келишиши ва ёки маълум бир воқеа содир бўлишини кутишлари керак бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, на шартнома тузиш учун опцион ва на опцион шартномаси номаълум муддатга ёки бошқача қилиб айтганда, муддатсиз тузилиши мумкин эмас. Одатда опцион битими маълум муддатга тузилган шартнома билан белгиланади ва ёки маълум бир воқеа ҳодисанинг содир бўлишига боғланади. Агар шартномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у бир йилга тузилган ҳисобланади. Томонлар муайян шартлар ёки ҳолатлар юзага келгунига қадар шартноманинг амал қилишини таъминлаши мумкин, ammo бу ҳолда улар муддатни алмаштира олмайди.

Опцион шартномасида томонлар улардан бирига битимни амалга оширишни бошлаш ҳуқуқини, иккинчисига — ваколатли томоннинг иродасини кутиш мажбуриятиниюклашади. Шартнома тузиш учун опционда асосий шартнома тузилгунга қадар томонлар мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилишга ҳақли эмас. У фақат бундай шартнома тузишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади

Опцион шартномалари ўзига хос ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўпламига эга, унинг ўзига хос хусусияти шундаки, бир томон — харидор — шартнома бўйича даъво қилишнинг асосий ҳуқуқига эга, иккинчиси — сотувчи — бу талабни бажариш учун умумий мажбуриятга эга бўлади. Шу билан бирга, томонларнинг ҳар бири турдош ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишади.

Ҳозирги кунда амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, опцион тузиш имконияти баъзи бошқа шартномавий тузилмаларга нисбатан муҳим афзалликларига қарамай, у ҳали Ўзбекистон фуқаролик муомаласида кенг қўлланилмаяпти, ғарб давлатлари ва шунингдек Россия Федерацияси қонунчилигидан фарқли ўлароқ миллий фуқаролик қонунчилигимизда ўз аксини топмаган.

Шундай қилиб, опцион шартномаси, шартнома тузиш учун опционнинг ҳамда дастлабки шартноманинг ҳуқуқий хусусиятларини таҳлил қилиш натижаларини сарҳисоб қилган ҳолда, биз иккита мустақил опцион шартномаси ва шартнома тузиш учун опцион тузилмаларини норматив ҳуқуқий тартибга солиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Гарчи ҳозирги вақтда улардан бирортасидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва устуворлигини аниқ баҳолаш ҳали ҳам имконсиз бўлсада, янги фуқаролик қонунчилигида ушбу ҳуқуқий тузилмаларнинг ўз аксини контрагентлар ўртасидаги муносабатларни соддалаштириш, уларга қулайликлар яратиш йўлидаги тўғри қадам бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, опционнинг қуйидаги таърифини шакллантириш мумкин бўлади, опцион-бу томонлардан бирига қайтариб бўлмайдиган таклифни қабул қилишни ва уни кейинчалик амалга ошириш ва ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини маълум бир ҳақ эвазига (опцион мукофоти) беришга қаратилган алоҳида турдаги мажбуриятни келтириб чиқарадиган махсус шартнома тузилмасидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси 1-қисм — Қонунчилик маълумотларимиллий базаси (<https://lex.uz/docs/111189>)
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. — Т.: «Vektor-Press», 2010.— 816 б.— (Профессионал (малакали) шарҳлар).
3. Вакулина Г.А. “О секундарных правах в науке гражданского права России” // Фундаментальные исследования. — 2008. — № 11. — С. 60-61;
4. "Гражданский кодекс Российской Федерации (часть первая)" от 30.11.1994 N 51-ФЗ (ред. от 25.02.2022) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.09.2022) http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_5142/f7eff6cea3ee262cd97814d84d8780fe8e825462/
5. Hart, Oliver (1995). Firms, contracts, and financial structure. Clarendon Press.

ГЕОЛОГИЧЕСКОЕ СТРОЕНИЕ И СТРАТИГРАФИЯ ГОРЫ КУЛЬДЖУКТАУ

Холмуродов Т.Т.

докторант Институт геологии и геофизики им. Х.М. Абдуллаева

Горы Кульджуктау расположена в Центральном Кызылкуме и имеет важное геологическое строение. В статье представлена информация о геологическом строении, стратиграфии и полезных ископаемых горы Кульджуктау. В этом районе много месторождений и рудных проявлений золота, серебра, графита и других полезных ископаемых. В статье в основном представлена информация об истории геологического развития и стратиграфии горы Кульджуктау.

Ключевые слова: Кульджуктау, золото, серебра, геология, формация

Annotatsiya. Quljuqtov tog`i Markaziy Qizilqumda joylashgan bo`lib geologik tuzilishi jihatidan muhim ahamiyatga ega. Maqolada Quljuqtov tog`ining geologik tuzilishi, stratigrafiyasi hamda foydali qazilmalari haqida ma`lumotlar keltirilgan.. Hududda ko`plab oltin, kumush, grafit va boshqa foydali qazilmalarning konlari va ma`dan namoyonlari uchraydi. Maqolada asosan Quljuqtov tog`ining geologik rivojlanish tarixi hamda stratigrafiyasi haqida ma`lumotlar keltirilgan.

Kalit so`zlar: Quljuqtov, oltin, kumush, geologiya, formatsiya

Abstract. The Kuldzhuktau Mountain is located in Central Kyzylkum and has an important geological structure. The article presents information about the geological structure, stratigraphy and minerals of Mount Kuldzhuktau. There are many deposits and ore manifestations of gold, silver, graphite and other minerals in this area. The article mainly provides information about the history of geological development and stratigraphy of Mount Kuldzhuktau.

Key words: Kuldzhuktau, gold, silver, geology, formation

Геологическое строение гор Кульджуктау является сложным, обладает рядом особенностей, связанных с широким развитием магматических и последующих геологических процессов. Рудоносность, являющаяся следствием эволюционного геологического развития Кульджуктауского района отличаются разнообразием полезных ископаемых - графит, золото, никель, ртуть, редкие земли и др. [1, 2, 3]. Только здесь находятся промышленные объекты графита (месторождение Тасказган и десятки мелких объектов).

В районе в прошлом были выполнены крупномасштабные геолого-съёмочные [4], геофизические работы и тематические работы, в результате которых выяснено тектоническое строение и расчленены домезозойские осадочно-метаморфические и магматические породы [5,6].

В пределах гор Кульджуктау в современном эрозионном срезе в степени и в различных структурных соотношениях распространи геологические формации всех этапов тектонического развития района раннегеосинкинального, инверсионно- раннеорогенного, платформенного и

неотектонического. За основу оформления геологических формации взята геолого-формационная масштаба 1:200000, составленная ВСЕГЕИ (Щукин С.И. и др.)

В основу стратиграфического расчленения района прироста схема, разработанная Я.Б. Айсановым А.И. Егоровым (1972 г.)

Стадия тектонического развития	Тектонический режим	Генетическая группа формации	Типы формаций субформаций	Мощность (м)	Возраст	Формациалар, субформациаларга мос келувчи магматик комплекслар свиталари	
Геосинклинальная	Инверсионный-раннеорогенный	Интрузивные	Формации малых интрузии пестрого состава: - спессартиты, микродиориты - диориты, порфириты кварцевые диориты - гранодиорит-порфиры		P ₂		
			Гранит гранодиоритовая с субформациями - гранитная			Тазбулакский Актостынский Шайдаразский	
			- гранит-гранодиоритовая			Таушанский интрузивные массивы	
			- сиенит-диоритовая		C ₃ -P ₁	Тазбулакский Белтауский	
			- габбро-диоритовая		C ₃	Белтауский, Шайдаразский и Таушанский интрузивные массивы	
	Раннегеосинклинальный	Вулканогенно-осадочные	Вулканогенно терригенная с субформациями: - гранитная				
			- песчаниково - конгломератовая	450	C _{2,3}	Камыстинская свита	
			- песчаниково - сланцевая с вулканитами	550	C ₂	Таушанская свита	
		Осадочные	Известняковая	100-200	D ₃ -C ₁	Шайдаразская, белтауская, гужумдинская свиты	
			Кремнисто - карбонатная	500-600	D _{2ef-qv}	Арапказганская и султонбибинская свита	
			Известняково - доломитовая	2000	S ₁ ² -D ₁	Дженгельдинская, Бошгужумдинская и туркментгауская свита	
			Известняковая	700-800	O ₃ -S ₁ ¹	Ойдинбулакская, Янгиказанская свита	
		Вулканогенно осадочные	Вулканогенно - карбонатно терригенная	700-800	S ₁ C _{n-w}	Дарбазинская, Учкудукская и Дженгельдинская свита	
			Вулканогенно - терригенная	>400	O _{2,3}	Казакасуйская свита	

Рис.№1 Стратиграфическая расчленения гор Кульджуктау по Айсанову

Раннегеосинкальные формации. Раннегеосинкальный режим охватывал весьма широкий интервал времени в геологической эволюции района от среднего ордовика в нижнекаменноугольного периода включительно. По особенностям развития структурно-формационных комплексов можно выделить три режима:

1.Редний ордовик–ранневенлокский, характеризующийся конференцированными тектоническим движениями по разломам и вулканической деятельностью в зонах разломов;

2.Верхний венлок- нижнеэйфельский с накоплением в относительно стабильных условиях мощных карбонатных формации;

3. Верхний эйфельнижнекарбонный, соответствующий ранней складчатости, общему подъему региона и регрессивному циклу осадконакопления.

Раннегеосинклинальные формации составляют более 70% площади мезозойских выходов гор Кульджуктау. Среди них выделяют следующие геологические формации: вулканогенно-терригенная (O_{2-3}) вулканогенно-карбонатно-терригенная (S_1^1), известняковая ($O_3-S_1^1$), известняково-доломитовая ($S_1^1-D_1$) кремнисто-карбонатная известняковая (D_3-C_1)[8].

Вулканогенно-терригенная формация (O_{2-3}). Это формация представлена в районе залегающими в основании палеозойского отреза казакуйской свиты. Она имеет ограниченное распространение и наблюдается в виде узких полос широтного и субширотного простирания в северной и восточной части района. В ее составе не обладают переслаивающимися сланцы и песчаники, реже отмечаются прослой алевролитов, кремнистых пород, гравелитов, конгломератовых известняков и вулканитов андезитового и андезит-базальтового состава. Породы описываемой формации имеют крутое залегание, рассланцованы и слагают чаще ядра сильно сжатых антиклинальных площадей, а также пластины в псевдомоноклиных складчатых сооружениях района.

Возраст отложений обоснован органическими остатками, содержится в сланцах и песчаниках (Айсанов и др., 1974, 1984), мощность формации более 400м.

Известняковая формация (O_3-S_1). Объединяет отложения ойдынбулакской (O_3) и янгиказганской свит. В современной структуре сохранилась лишь в северной части площади, где с постепенными переходами согласно залегает мощные формации 700-800м.

Вулканогенно-карбонатно-терригенная формация (S_1^1). Включает пландоверийского – нижневенлокского ярусов и объединены выделенные Айсановым и др., 1984, свиты: дарбазинскую, узункудукскую и джангельдинскую (нижняя подсвита). Имеет органичен – нижераспространение, в основном, в центральной и западной части зона в ядерной части Султанбибинской антиклинали, в западном обрамлении Тозбулакского гранитоидного массива и в крыльях Бельтауской синклинали. Представлена переслаивающимися песчаниками, алевролитами, сланцами, в меньшей степени гравелитами, конгломератами с линзами и горизонтами известняков, вулканитов андезитового состава и кремнистых пород. На подстилающих отложениях залегание согласно с постепенными переходами. Мощность формации 600-800м[8].

Известняково-доломитовая формация ($S_1^2-D_1$). Залегают согласно с постепенными переходами на подстилающих узлах. Является наиболее, широко представлена распространенной на всей площади Кульджуктау, где она слагает более 50% территории. Формация представлена непрерывным разрезом разнообразных известняков и алевролитов, насыщенными богатыми

комплексами органических остатков. Объединяет выделенные Айсановым и др. 194, свиты – дженгельдскую (средняя и верхняя подсвиты). Башгужумдинскую и туркменскую подсвиту. Мощность формации достигает 2000м.

Кремнисто – карбонатная формация (D₂). Имеет весьма ограниченное распространение в горах Кульджуктауско. Обнажается в виде узких линейных полос, в основном, в центральной части района. Объединяет отложения султанбибинской и тасказганской свит, в первой из которых преобладают известняки, кисломитизированные известняки с линзами, прослоями кремнистых пород, а во второй – кремнисто-кварцевые породы с прослоями и зонами известняков, кварцитовидных песчаников и сланцев. Мощность формации 500-600м. Контакты с другими формациями чаще тектонические[8].

Известняковая формация (D₃-C₁). Наименее распространена в районе. Объединяет шайдаразскую, бельтаускую и гужумдинскую свиты, обнажающиеся в виде разрозненных узких полос, тектонических клиньев, обычно интенсивно тектонизированных. Мощность ее не превышает 200м.

Инверсионно-раннеорогенные формации. В среднекаменноугольное время в Кульджуктау, как и во всем южном Тянь-Шане, раннегеосинкальный режим сменился инверсионно-раннеорогенным с условиями интенсивных восходящих движений и гранитообразования. В это время была сформирована вулканогенно-терригенная формация с субформациями: песчаниково-сланцевой формация с вулканитами (C₂) и песчаниково-конгломератовой (C₂₋₃), а также интрузивные формации[8].

Песчаниково-конгломератовая субформация вулканогенно-терригенной формации завершает палеозойский разрез Кульджуктау и представлена камыстинской свитой (C₂), залегающей с угловым несогласием на таушанской свите в центральных частях синклиналичных структур. Сложено преимущественно гравелитами и конгломератами с горизонтами песчаников и выделяется в центральной и восточной частях района. Возраст пород установлен на основании анализа обломочного материала, по стратиграфическому положению и по редким находкам фауны. Мощность субформации около 450м.

Месторождение Таушан расположено в центральной части поднятия Кульджуктау в 2,5 км восточнее Актостинского интрузива (рис.1). Участок месторождения сложен терригенными отложениями таушанской свиты. Подстилающие и перекрывающие мраморизованные известняки девона прослеживаются на севере площади и в виде тектонических линз в южной и западной части месторождения. Литологический состав свиты довольно пестрый, и представлен чередованием песчаников, алевролитов, кремнистых сланцев[9].

Основными структурами, вмещающими месторождение золота является складки и сопровождающие их разломы различной ориентировки. В

структурном плане месторождение Таушан представляет собой систему сближенных субпараллельных складок, разделенных разрывами субширотного и северо-восточного простирания. Важным стержневым элементом, влияющим на локализацию золотого оруденения, являются крутопадающие разломы субширотного простирания (300-340°СЗ) представленные зонами смятия, дробления и сопровождающиеся гидротермально - метасоматическими изменениями.

Литературы

1. Геология и полезные ископаемые Республики Узбекистан / Под.ред. Т.Ш.Шаякубова. Т.Н.Далимова. - Ташкент: Университет, 1998. - 723 с.
2. Рудные месторождения Узбекистана / Под ред. И.М.Голованова. - Ташкент: ГИДРОИНГЕО, 2001. -661 с.
3. Кустарникова А.А. и др. Металлогения золота и меди Узбекистана - Ташкент: ГП "НИИМР", 2012. -410 с.
4. Айсанов Я.Б., Егоров А.И. Геологическое строение и основные черты минерагении палеозойских образований гор Кульджуктау. Ташкент: "Фан", 1978. -120 с.
5. Ахмеджанов М.А., Борисов О.М., Фузайлов И.Л. Геологическое строение и состав палеозойского фундамента Узбекистана том 1. / Ташкент, "Фан", 1967. 162 с.
6. О связи золоторудных месторождений Мурунтауского типа Центральных Кызылкумов с докембрийским и нижнепалеозойским вулканизмом / Усманов Ф.А., Михайлов В.В., Марипова С.Т., Юлдашев О.А. // Современные проблемы формационного анализа, петрология и рудоносности магматических образований. - Новосибирск: СО РАН, Филиал "ГЕО", 2003. - С. 347-348.
7. Далимов Т.Н. и др. Фациальность гранитоидных формаций Узбекистана. Ташкент: "Фан", 1972. 78 с.
8. Отчет фонда Толоконников А.В. Предварительная разведка месторождений Таушан и Янгиказган для кучного выщелачивания 1993-1996 гг, №31428.
9. Особенности локализации и вещественный состав золотого оруденения месторождения таушан (Кульджуктау). А.Б. Джурабаев и др. Горный вестник №2, 2020 г

MUNDARIJA

Tarix. Geografiya. Siyosiy fanlar. Yuridik fanlar

Адизов А. Сайлов тарихига бир назар.....	2
Choriyev J.Ch. Kutubxonalarning rivojlanish tarixi.....	9
Axmedova Z.M. Mahalliy byudjetlar xarajatlari barqarorligini ta'minlash masalalari.....	12
Umarov I.O., Abduraximov I.N. Zaxiradagi ofitserlarni tayyorlashda, harbiy ta'limning maqsadi, vazifalari va istiqbollari	15
Axmedova Z.M. Davlat byudjeti g'azna ijrosini takomillashtirish.....	19
Boymirzayeva R.X., Abduganiyev T.A. Yuvenal yustitsiya: O'zbekiston va horij tajribasi	23
Файзуллаев М.С. Опционшартномасининг ҳуқуқий конструкцияси ва дастлабки шартнома	29
Холмуродов Т.Т., Х.М. Абдуллаева Геологическое строение и стратиграфия горы кульджуктау	39